


مُنْجِي بَلْدَنْ فَهُمْ شَهْرَ مُنْجَا  
يَرْفَأُمْ أَشْلَانْ نَيْسَوْكُوكْلَهُلْ دَاهْ





УЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
Х. С. СУЛАЙМОНОВ НОМИДАГИ  
ҚУЛЕЗМАЛАР ИНСТИТУТИ

ШАРҚ КЛАССИКЛАРИ МЕРОСИДАН

МИРЗО АБДУЛҚОДИР  
БЕДИЛ

РУБОИИЛАР

Ҳалкаро Фирдавсий мукофоти лауреати  
Шонслом Шомуҳамедов  
таржимаси

Узбекистон Компартияси Марказий  
Комитетининг нашриёти  
Тошкент — 1986

Редколлегия: Аҳмадхўжаев Э. Т., Жабборов Ж. Ж.,  
Қаюмов А. П., [Пармузин Б. С.,] Шомуҳамедов Ш. М.

*Мирзо Бедил форс-тожик адабиётида классик адаб,  
жамиятшунос ва табиатшунос файласуф олим сифатида  
шухрат қозонди.*

*Унинг номи Шарқнинг улкан ва забардаст шоирлари  
сирасидан муносаб ўрин эгаллаган. Асарлари кўп тил-  
ларга янги-янги таржима этилмоқда ва босилмоқда.*

*Ушбу тўплам нозикхаёл шоирнинг рубоийларидан  
тузилди.*

Тузувчи **Расулхон Ходизода**  
**Муҳаррир Эркин Воҳидов**  
**Тақризчилар Ж. Жабборов, X. Мухторова**

#### Б 46

Бедил, Мирзо Абдулқодир.

Рубоийлар (Кириш сўзи ва тарж. Ш. Шомуҳамедов-  
ниги.) [Редкол.: Э. Т. Аҳмадхўжаев ва бошқ.; Тузувчи  
Расулхон Ходизода].-Т.: Ўзбекистон Компартияси МК  
нашриёти, 1985.-1126.-  
(Шарқ классиклари меросидан.)

Сарл. олдида: ЎзССР ФА X. Сулаймонов номидаги  
кўлёзмалар ин-ти.

Бедиль, Мирза Абдулқадыр. Рубаи.

И(Хинд)

Б 4702570100—045 85  
М 359(04) — 85

ДАЧАНСКАЯ

© Издательство МК Компартии Узбекистана, 1986.

БИБЛИОТЕКА

№ 19

## МИРЗО БЕДИЛ

Шарқда маънолар отаси (абулмаоний) номини олган, Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ маданияти тарихида шоир ва идеб, жамиятшунос ва табиатшунос, файласуф ва мутафаккир олим сифатида шухрат топган Мирзо Абдулқодир Ҳиндистонда Банголиянинг Азимобод шаҳрида 1644 йилда ҳарбий хизматчи оиласида дунёга қолди.

Унинг ота-боболари ўртаосиёлик бўлиб, Шахрисабз Ўзбекларидан эдилар. Келажакда Бедил таҳаллусини ташлаб олган Абдулқодир отадан бир яшар етим қолиб, онаси қўлида тарбия топади. Зийрак ва тийрак бола ёшлигиданоқ илму фанга катта қизиқиш зохир этади, у бош ярим ёшида мактабга боради ва етти ёшидаёқ савод чиқаради. Мадрасага ўтгач, диний мактаб билими уни қониқтирмай қўяди ва ўқишини ташлаб кетади. Араб, фарс ~~ва жинд тилларининг бир нечасини яхши билгани~~ Бедил амакиси Мирзо Қаландар ва тоғаси Мирзо Зарифлар ҳомийлигига араб, форс тиллари грамматикаси, бутун Шарқ адабиёти, фалсафаси ва бошқа фанларни чуқур ўрганди. Айниқса, тасаввуфчиликка қаттиқ берилди кетди. Аммо умрининг охирида у ўз пантеистик қарашларида материализмга жуда яқин келиб қолди ва ўзига хос фалсафий дунёқарашга эга бўлди (ваҳдати минжуд — олам бирлиги).

Бедил рубоий шаклидаги биринчи шеърини 10 ёшиди ёзганлиги манбалардан маълум. Бу рубоий жуда чуқур фалсафий маънога эга бўлгани учун (китобда № 438) баъзи кишилар унга ишонмайдилар. Шундан сўнг ёш шоир шеърларини одамлардан беркитиб юрди. 20 ёшга етгач баъзи ўртоқлари унинг шоирлиги-

дан хабар топиб, ўз шеърларини тўплаб китобат қилишга мажбур этадилар. Шундан сўнгина Бедил очик ёза бошлайди ва умрининг охиригача бадиий асарлар ёзиш билан бирга фалсафий ва ижтимоий масалаларни ҳам шеърда ифода этади.

Бедил сермаҳсул шоир, унинг адабий мероси жуда катта. «Бедил «Куллиёти»га киритилган асарларнинг ўзи 130 минг мисра шеър ва 50 босма листдан ортиқ насрдан иборат. Булар орасида «Тилсими ҳайрат», «Таркибот ва таржеот», «Муҳити аъзам», «Тури маърифат», «Ишорат ва ҳикоят», «Руқаъат», «Чор унсур», «Ирфон», «Нукот», «Ғазалиёт», «Рубоиёт» ва бошқа асарлар мавжуд. Бедил ҳаёти Ҳиндистонда Улуғ Мўғуллар деб аталувчи Бобурийлар империяси инқизозга юз тутган даврга тўғри келади. Бедил ўзининг 77 йиллик ҳаётида (у 1721 йилда вафот этган) 14 подшони кўрди. Шулардан 9 таси шоир умрининг охирги йилларида ҳукмронлик қилганлар. Шунинг ўзи ҳам у даврда мамлакатда ўзаро низоларнинг қай даражада кучайланлигини кўрсатади.

Инглиз босқинчиларининг Ҳиндистонга босқинчилик юришлари ҳам шу даврда бошланган эди.

Улуғ мутафаккир шоир худди мана шу вақтда яшаб ҳиндулар ва мусулмонларни, мамлакатдаги барча ҳалқларни бирлашишга чакирди:

Иттифоқ кучидан бўлмагил ғофил,  
Бирлашиб тиш тошни синдирад чил-чил!

Бедил инсон эркинлиги, киши тафаккурининг ҳурлигини истайди. Шоир ўз асарларида буюк гуманист, инсонпарвар, муруватли доҳиёна истеъодод әгаси сифатида гавдаланади. У кўп миллатли мамлакат — Ҳиндистон ҳалқларига бир хил кўз билан қаради, ҳаммани бир инсон уругидан деб ҳисоблади. У ҳам бараҳманларни, ҳам шайху зоҳидларни баб-баробар танқид остига олди, мусулмонларнинг таваккул — тақдирiga тан бериш, бараҳманларнинг таносух — жоннинг кўчиб юриши назарияларини бекор, маъносиз эканлигини кўрсата олди. Ортодоксал мусулмончиликдаги ва тасаввуфдаги бир қанча қоида ва фалсафий фикрларни жиддий танқид қила олди. Аммо ўрта асрчилик шаройтида илғор фикр-мулоҳазаларни ҳамма вақт ҳам очик-оидин айтиб бўлмас эди. Шунинг учун Бедил фикрларини хилма-хил образларда, киноя, истиора,

тасаввуф, калом иборалари, қоида ва истилоҳлари вositасида ифода қилишга мажбур бўлди. Бундан ташқари ҳам Бедил асарларида бир-бирига тўгри келмайдиган, ҳатто бир-бирини инкор қиласидиган сатрлар учрайди, чигал муаммоли, мавҳум маъноли мисралар кўп топилади. Аммо буларнинг барчаси шоир яшаған замоннинг қора тамғаси, ўша муҳит губори. Бедил энг яхши асарларида ўз замонаси учун ўта илғор фикрларни илгари сурди, юксак, гуманистик гояларни тарғиб қилди. У одамни «энг олий вужуд» деб билди, уни «Ҳазрати инсон» деб атади. Шунинг билан бирга у инсондаги камчиликлар, танбаллик, макр, ҳиёнат, қаллоблик, очкўзлик, хасислик, кибр-ҳаво, манманлик каби иллатлар билан курашди. Инсонни баркамол ва бенуқсон кўришни орзу қилди. Меҳнат инсонни яратганлигини тан олди, билимдонлик ва меҳнатсеварликни, бир-бирига муҳаббат ва вафодорликни, ҳунар ва иттифоқликни мақтади. Бедил бу фикрларни жуда юқори бадий пардаларда куйлайди, баъзан киноя, истиораларга кенг ўрин беради, рамзу ишораларга кўпроқ таянади. Ҳатто ижодининг аввалги даврларидаши шеърларини у «Рамзий» тахаллуси билан битган эди. Бунинг сабаби замон тақозоси эканлигини биз юқорида айтиб ўтдик. Аммо бу ҳол Мирзо Бедил ижодини тушуниш ва ўрганишда анча қийинчиликларни ҳам юзага келтирди. Такрор айтамизки, шоир услубининг ўзига хос томонларидан бири унда нукталарнинг, яъни ўта нозик ташбиҳот, киноя, истиораларнинг кўплигидир.

Бу ҳол маҳсус бедилхонлик анъанасининг вужудга келишига сабаб бўлган. Мирзо Бедил асарлари Афғонистон, Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган эди, чойхона-гузарларда, ҳунармандлар дўконларида, уйларда унинг асарларини ўқиб таҳлил қилиб, ёки шарҳлаб берувчилар, яъни бедилхонлар пайдо бўлган эди. Революциядан олдинги ўрта ва олий мактаб программа-сига ҳам Бедил асарлари киритилган эди.

Мутахассисларнинг ҳисобига кўра Мирзо Бедил 3861 рубойй ёзган. Намуна сифатида 400 дан ортиқ рубойй таржимаси бу китобга киритилган.

Бедил ижодини тушунишни бир оз бўлса-да енгилла-тиш мақсадида китоб охирида айрим рубоййларга изоҳ берилди.

Шомуҳамедов Ш. М.

1

Авф эт халқдан келса яхши-ю ёмон,  
Адоватдан қочиб, роҳат қил, инсон!  
Кибру ҳасад бермас кишига ором,  
Одамни менсимай қувилди шайтон.

2

Яхшилик, ёмонлик мүлүү күл бунда,  
Қилмишинг ҳолидан огох бүл бунда.  
Күлинг олур улким, қўлини олдинг,  
Барчанинг фойдаси қўлма-қўл бунда.

3

Юз шукр тилмади ҳақ сийнамизни,  
Ошкор этмай шубҳа — дил кинамизни.  
Борлиқдан уялиб сув бўлмагунча  
Намоён этмади оина бизни.

4

Соч оқаргач қўйдим дилим ғиши-ғишин,  
Ерга отдим ҳаво-ҳавас ташвишин.  
Шам равнақ тоғмагай отганида тоиг,  
Пилик тортар бунда аланга учин.

Үз шууриингдан бўл бегона, Бедил,  
Жаҳолат созин чал, девона Бедил,  
Дуд ила ғубордир бу дунё бари,  
Кўз юм, сабил қолсин бу хона, Бедил.

6

Мансаб, ҳашам эмас, азобдир бунда,  
Айт, нима софликка ҳисобдир бунда?  
Эшак, ҳўкиз тагин тозаласинлар,  
Мансабдан фаррошлик савобдир бунда.

7

Оина кўргаида ўзин беғубор,  
Шодликдан минг рангда бўлур жилвакор.  
Инсон мизозида гул очди билим,  
Гулласин деб сахро бағрида баҳор.

8

Ҳавас таркин этмоқ кўп маҳол бунда,  
Эркинлик фақат бир эҳтимол бунда.  
Нимага боқмайин дил бўлур асир,  
Кўнгил узмоқ эса, бўши хаёл бунда.

9

Сўзларингда бўлса юмшоқлик бўёқ,  
Ев ҳам қилур дўстлик кўзгусин порлок,  
Қўниол гандан фитна қўнган чогида,  
Гардан томирингдур бу жангда таёқ.

8

Бу ақлсизларки, маству беймон,  
Сезгисиз, қаттиқ жон, харсанг тоңсимон.  
Чиганоқ қуруқлик ва манманликтан  
На мағзу на пүст бор, қуруқ устихон.

Бедил, ўзни қанча синаб күрмадим,  
Лек камол даъвоси дамин урмадим,  
Юз шукрки одоб иқболи кулиб,  
Хеч кимдан ортиқман дея юрмадим.

Бедил, ҳамма вакт ҳам изтироб бунда,  
Тинчлик — хаёлу туш ё сароб бунда.  
Ҳаракатсиз бўлмас ҳатто чанг пайдо,  
Илдиз сувда, тупроқ бир никоб бунда.

Эй ақл жавҳари, бўл дунё сирига ҳамдам,  
Макриарвоз зухдга сен риндана бергил барҳам.  
Оlam сақолу салла масхарабозлигидир,  
Бу хижолатдан қутул, кўнглингни уз, эй одам.

Бу бир денгиз, иши бизларни бўғмоқ,  
Тигу шамширингта ишонма ҳар чоқ.  
Ҳар тўлқин интиқом камони бунда,  
Үндаги ҳар балиқ ўқ тўла садоқ.

Мантиқсиз афсона тутмиш оламни,  
 Фаҳм эту ўйлама ҳеч кўпу камни.  
 Лаънат тавқин илиб шайтон бўйнига,  
 Негадир жанинатдан қувмиш одамни.

Зухур оинаси жило топғандан бери фақат  
 Ҳар махлук бир-бирига интилар, бўлар улфат.  
 Ҳеч ким назар ташламас ўзининг аҳволига,  
 Булбул бўлди гулдан маст, гулга ҳаволаш одат.

Тубан табиатингдан чиқ, эй бедор дил,  
 Лоффинг безак пардасин айлама манзил.  
 Бахмал тўшак на ҳожат келмаса уйқу,  
 Тун матосин тўқувчи коргоҳни тарк қил.

Ким бойлик фикрига асиру бетоб,  
 Томчи май ҳидидан хўп масту хароб.  
 Бедил, мол жамғармоқ заҳматин чекма,  
 Дур терилган билан ип бўлмас сероб.

Ҳар нарсада онгла асосу нисбат,  
 Сўнгра фаҳм эт надур маънию сурат.  
 Одам ҳўқиз эмиш, балиққа минган,  
 Балиқ ҳаводамиш... Қани ҳақиқат?!

Бу харобазорда истасанг роҳат,  
Дўстга қўшилиб топ дилга ҳаловат.  
Токи бир-биридан киприклар жудо  
Уйқусиз кўзларда изтироб, заҳмат.

Беш кунлик умринг бу иотинч оламдан —  
Тинч ўтар сен ўзинг қилган малҳамдан.  
Мазҳабу миллатдан излагил одоб,  
Яхши хулқ излагил ҳар илму фандан.

Киприкдан қон тўкиб, лолазор топдинг,  
Булутдек ёш тўкиб, чин баҳор топдинг.  
Дардсиз кўнгил очмоқ маҳолдир, маҳол,  
Оёқ ярасида тикан — хор топдинг.

Бу эшак миялар шодонлик созин —  
Тушунмай, кўрсатар шоҳона нозин.  
Нафрат ногораси кар қилмагунча,  
Фаҳм этмоғи мушкул тараб овозин.

Қариликда холи бир гўша топ дилга, Бедил,  
Дарё эмди лойқади, қани чиқ топиб соҳил.  
Мана оппоқ соchlарда кафан ииъикоси бор.  
Йўлда кўзинг юммасдан ўз манзилинг топа бил.

Олам — хароб зимиштон, бу зулматда ҳар одам,  
 Фурури шуъласида куяди мисоли шам.  
 Беш кундан сўнг талъати сафо нурин сочолмас,  
 Тундаги йилтироқ қурт бундайларниң бари ҳам.

Эй, инсон дил кабоби тафтига ёпгувчи ион,  
 Сув қилмасми бу зулминг хижолати шул замон.  
 Бир ялам асал сенинг оғзингта текқунича,  
 Юзлаб хоналар вайрон, ҳалокатда минглаб жон.

Гоҳ сув ғамидан, гоҳ бир донадан де,  
 Гоҳида айш ила таронадан де.  
 Ўлгунча шу гапдан қутуолмайсан,  
 Уйқу олгунча шу афсонадан де.

Эй ҳожа, ҳашамиң заволи яқин,  
 Шулъянг асарининг паймоли яқин.  
 Қанчага етарди бир шамдек зиёнг,  
 Эй, йилтироқ қурт, тонг жамоли яқин.

Ер тинмай тарқатар ғубори ибрат,  
 Умр ҳангомаси кулфатдир, кулфат.  
 Ором талаб этмоқ бунида беҳуда,  
 Оҳулар ортида қуюқ чанг қат-қат.

## 30

Дилнинг оинаси бор, боқмайин ўтди,  
Кўз ўнгида баҳор боқмайин ўтди.  
Бу тушуниб бўлмас дашт ғуборидан  
Кўплар ўзларин ҳам кўрмайин кетди.

## 31

Ҳар кўнгилда бордир умр талоши,  
Кўнгилдан ишорат томчи кўз ёши.  
Кўкламда илдизсиз ўсмас бир дона,  
Бил, яранинг ҳам бор илдизи — боши.

## 32

Мол-дунё ташвишига тўлиқ бу чўл — оламдир,  
Бу ташвишлардан озод — шод яшаган одамдир.  
Кўнгилга тугун солмай ўтмас ҳеч бир маърака,  
Этикнинг торлигидан оёқ қадак, кўз намдир.

## 33

Барча истагингни берса гар такво,  
Қуруқ ток баргидан қайнарди саҳбо.  
Бўш хаёлдан ўтса киши рўзгори,  
Карга тухумидан чиқарди анқо.

## 34

Шом келгач, осмонга чиқди алангам,  
Дилим қон бўлди-ю, кўздан оқди нам.  
Эрта қандай умид билан яшаймиз,  
Бугун ўтди бизга бўлган ваъда ҳам.

Маст-аластигимиз асоси карам,  
Баланд-настстигимиз асоси карам.  
Борлик ўзгариши дерлар ўлимни,  
Иўқолмаслигимиз асоси карам.

Ҳаётни жон қийноғи, қон ютмоқ деб бил,  
Ҳаёт-мамот айшидан қутулмоқ мушкул.  
Халқ ичра яшаб ундан ажралмоқ хато,  
Одамзод тиригида сұхбатта қобил.

Химмат аҳли таъбидан Бедилда ҳам бор,  
Сахийлик турли рангда бўлур жилвакор.  
Нодонларга панду муҳтоҗга танга,  
Ешга лутф, каттага хизмати бисёр.

Бедил, тун қуртидек билмасман тиним,  
Аммо ҳеч тарафга очилмас йўлим.  
Каъба тавофидан кишилар хурсанд,  
Бу соядан огоҳ эмасдир ҳеч ким.

Эй шайх, инсоф берса виждонга пардоз,  
Нечун кўзинг тўймас, қаноатинг оз.  
Ҳеч ким сендан каммас бу анжуманда,  
Кўзинг мол-дунёда, ўлтириш мумтоз.

Инсон дафтаридан варақ бу жаҳон,  
Одам кабобининг тутуни осмон.  
Икки жаҳон унгани ургани билсак,  
Киши хаёлидан етишган бир дон.

Кетдик, биздан қолди ғамли из боқий,  
Қолди парнирамоқ, у ҳаргиз боқий,  
Танамиз тупроқда маҳв ўлса ҳамки,  
Қаттиқ жондан қабр тошимиз боқий.

Ашё — назаримиз олғувчи кўзгу,  
Асмо зикри эртак тингламоқдир бу.  
Барчаси инсондан қочирап узоқ,  
Асли инсон бўлмоқ ўзни билмоқ-ку.

Киши табиати фош этса идрок,  
Фақат яхшиликка этар иштирок.  
Илмдан бебаҳра қолади таъби  
Бадфеълидан кечиб бўлолмаса пок.

Бедил, қай мижозда бўлмаса вафо,  
Висол топганда ҳам тополмас ҳаё.  
Қайдаким манзурдир дўстлик ҳуқуқи,  
Жон нисор эт, ўзга шева йўқ асло.

Дили ҳасад тўла, ичи қоралар  
 Доим тухмат ила покни қоралар.  
 Шип бурчига опшоқ пахта илиб кўр,  
 Шамдондан барча ис шунга ўралар.

Бедил, етмокдадир сўнгига зафар,  
 Парвозга бемажол эмди болу пар.  
 Қадамим ҳисоблаб борар кўз ёшим,  
 Ҳар томчидан шамга тонг яқинлашар.

Парокандаликдир дунёга асбоб,  
 Оромга ҳамса боқ бўлмишдир симоб.  
 Шу дарё мавжидан паришондирмиз,  
 Бунда хотиржамлик — гавҳари ноёб.

Машҳурлигинг надур? Мастлик кулфати,  
 Вайроналик не? Баланд-пастлик иллати.  
 Дилингни куйдирган ноёб орзуладар  
 Ақл билан боқсанг, ҳаёт рағбати.

«Сен, мендан ташқари, — деса, — ҳақиқат»  
 Бу сўзга ишонма, бари жаҳолат.  
 Хоҳ ерда қанот қоқ, хоҳ осмонда уч,  
 Анқони топурсан эртакда фақат.


Бу дунёда кўпдан кўпdir жаҳолат,  
Ким ақлу илм деса, чекар надомат.  
Ҳар томонда фақат айиқлар рақси,  
Устара бер, олам жун босган ғоят.

Бу дунёда ҳар дам янгилик ҳавас,  
Эскириб чиқади ҳар янги нафас.  
Шу сухбатдан қизиқ дунё бозори,  
Ақл қулогин тут, олам гандир, бас.

Ишрат тузоғидир шиша касофат,  
Қул-қули етказар пайғоми ишрат,  
Махмурлик юлдузи ҳар бир томчиси,  
Ҳар мавжи пиёла манглайида хат.

Куйик дил тугуни ишқимга тумор,  
Ўраб дедим: «Буни ёримга юбор». DAVLA  
Шавқидан ғунчадек очилиб кетди,  
Шодликдан қинига сиғмади такрор.

Тўлқинмиз мену сен ҳаёт баҳрида» UZVK  
Ҳавас қайнаб ётар унинг наҳрида.  
Кўпикдек фикр этсак, сув ва ҳаводан —  
Ўзга на дон бор, на самон қаърида.



Бетамиз бўлади дарди йўқ одам,  
 Ундейга ўлимдан ўзга таъсир кам.  
 Соч ва тирноқларга қараб ибрат ол:  
 Кон йўқ жойда йўқдир хис ҳам, туйғу ҳам.

Кай дилга тушмаса ишқдан бир партов  
 Умри куйиб ўтар, жабрга гаров.  
 Кўздан ибрат ол, сувга чидолмас,  
 Аввал куйдирмаса уни то олов.

Узлуксиз шодлик ҳам келтиради ғам,  
 Ҳаддан ортиқ базм — мисоли мотам.  
 Ҳар нарса меъёрдан ошмаса яхши,  
 Бошдан ойса ўтдан баттарроқ сув ҳам.

То чарх бисотида событу сайёр,  
 Сухан марказида хомушлиқ даркор.  
 Уругсиз ҳеч нарса илдиз отмайди,  
 Яъни нуқтасиз сайр этмайди паргор.

Зеру забар қилмок, фалак номаси,  
 Бой берилар охир ер ҳазонаси.  
 Жисминг зийнатига бўлма қўн банда,  
 Уни ечиб от, ул ғафлат жомаси.

У дунё деганинг у дунё эмас,  
 Ҳақ жамоли унда ҳувайдо эмас.  
 Жаннат таърифидан чиқор хулоса,  
 Қайда зару гавҳар — бу дунёдир, бас.

Бир оламдир куйим сехру оҳанги,  
 Тобора очилур янги ва янги.  
 Каломим сайрида ғафлатда қолма,  
 Баҳорман, янги ҳар нафасим ранги.

Зоҳид дерки, «такво манбай диндир»,  
 Шайх кўзгу тутиб дер «Сулукдан<sup>1</sup> қидир».  
 Бу жоҳилларга зид бизнинг девона  
 Яланғоч бўлиб дер: «Чин мардлик будир».

Кимки наст-балаидга қарагай ҳушёр,  
 Иблис малъулигин тушунар бисёр.  
 Ким қибла билмаса ҳазрат инсонни  
 Ўша лаънатланиб бўлур шармисор.

Сен рад этган кичик бўлак билан ҳам  
 Ҳисоблашмай бўлмас бирикса боҳам.  
 Бир тутам жунни ел элтади осон,  
 Бирлашса бўлади намат ё гилам.

<sup>1</sup> Сўфилар жамоаси

Фарёдки, ҳеч ким йўқ биз билан бул кун,  
Хуррамлиқдан йўқдир ҳатто бир учқун.  
Доим бирга бўлган мувоғиқ дўстлар,  
Борса келмас жойга кетдилар бутун.

Ҳаётдан олмаса ибрат у кўз кўр,  
Асалда бўлмаса ширинлик у шўр.  
Ўзгариб турмаган либос кафандир,  
Ўзгариш билмаган хона — қаро гўр.

Ўзбошимчаликдан хуррам бу дунё,  
Эрксиз айланмоққа бўлмиш мубтало.  
Исо ё маҳдийнинг қайтиб келмоғи  
Тажрибадан узок, қуруқ бир даъво.

Бедил, қуруқ вақ-вақ бизга шон эмас.  
Амир, султон мадҳи бизга жон эмас.  
Сўзларим тинглаб кўр, энг яхши оним,  
Дўстлар хизматидан ўзга он эмас.

Ҳиммат ўлчовимас фақат пул-дирҳам,  
Пул сочмоқ ҳар кимда бордир кўпу кам.  
Мумсикдан ҳеч киши баҳра олмаган,  
Ҳасрат-ла жон берса шу ҳам зўр карам.

Токи ишқ қиссаси тақрорга қобил.  
 Бу мато бозорин доим қизиқ бил.  
 Мажнун доим сочар бошига тупрок,  
 Фарҳоднинг тешаси тошда муттасил.

Ҳаё тухмин қўлдан берса гар одам,  
 Гайрат биносининг қадди бўлур хам.  
 Соқолдан лоф урса ишонма унга,  
 Номус қўлдан кетгач қолмас мардлик ҳам.

Бедил, бефаҳмлик ўсмиш нақадар,  
 Аҳмоқлик палоси ёйилмиш магар.  
 Ошно-бегоналар бутун бир умр  
 Фақат «торих» ё «саж» талаб этишар.

Бу базм телбалик, йўқ бунда идрок,  
 Бунда билим сози қилмас иштирок.  
 «Мен» ё «Биз» ларига тушунмоқ бўлиб,  
 Қанча қулоқ осма, у бангутарёк.

Нодонлик овининг ўлжаси ҳасрат,  
 Нодонлик баҳорин ёмғири кулфат.  
 Соч юлиб додламоқ билимсизликдир,  
 Оғаҳлик кўзгуси эмас надомат.

Рухсоринг чақмоги никобга тушди,  
 Кўзларинг шуъласи шаробга тушди.  
 Зулфинг қўнгироги юзинг тўғсанда,  
 Гўёки, сояси офтобга тушди.

Бизларга ҳаётнинг ҳосили — ҳавас,  
 Семурғ кўринади ҳар пашша — магас.  
 Борига қанот қилмай на чора,  
 Текин ҳаво бизга анжоми нафас.

Борликда кулфатдан аломат бордир,  
 Яъни унда сози надомат бордир.  
 Ҳақ-ноҳақ, соз-носоз беҳиниту дўзах,  
 Ўзинг ким? Билолсанг, қиёмат бордир.

Дев-жин найрангига тўлмишdir жаҳон,  
 Ҳис ва ҳаракат-ла қилдик имтиҳон:  
 Кўрқувдан туғилмии ажина, шари,  
 Вахимадан таркиб тоғмишdir инсон.

Таҳқиқ йўли жуда нозик, серсабок,  
 Тункуниш қийинцир яқин бўлган чоқ.  
 Тупроқ не? Билмасанг кечириши мумкин,  
 Хаёл шамин туби қоронғудир, боқ.

Уз маъни қиссасин очган ул дона,  
Илдиз ёриб отди ер ичра шона.  
Лек таҳқиқи бирор жойга етмади,  
Етилса ҳам ўздан топмай нишона.

Қарилик ҳарчандки йўқлик эрса ҳам,  
Хосили бўлади оқ мўй бир тутам.  
Олов ёниб ўтмас кул қолдирмайин,  
Кўпиксиз бўлурми қайнаб турган ҳам.

Эй, Бедил, мақсадинг овламоқ кўнгил,  
Аммо дил ороми бўлмайди хосил.  
Кўзгу тимсолига тушиганда йўли,  
Одам юз ўгирад, бу змас манзил.

Кўрсатиб ҳуниару билим шаарин,  
Кимлар кўз-кўз қиласар ҳашаматларин.  
Охири бир ёниб сўнгани чўғ каби  
Бош тушар ёстиққа тўзгитиб парин.

Йўқдан пайдо бўлиш мактаби олам,  
Ҳар нарса қўзгайди ҳайрат дамо-дам.  
Қалам тилида-ку котиб дил рози,  
Зеро, барчасидан оғаҳдир одам.

Миркам икки дунё аҳли-ла маош,  
 Ва ҳисобким түгри келмай, кўзда ёш.  
 Бугун шундай, эрта бўлса имконим  
 «Бедил!» деб, тупроқдан кўтаргайман бош.

Эй инсон, қўлингда ҳавас тўла жом,  
 Васвасадан тинмас, дил бесаранжом.  
 Сен ўша-ўшасан бешигингда ҳам  
 Тебратиб турмаса, тоғмасдинг ором.

Бўш калла ўзига қўяди бино,  
 Юз хил пуч хаёллар унга жо-бажо.  
 Дардсиз дил ҳавасдан тополмас чора,  
 Шиша бўшаб қолса бодаси ҳаво.

Бойлигин орттирмоқ бўлиб оху воҳ —  
 Қилган бой, билсайди тинчлик йўлин, оҳ.  
 Шам шодлиги бошда қалпоғидандир,  
 Билмаски жонининг ёви шу кулоҳ.

Поёнсиз билимку сенда мужассам,  
 Анқодан буюкроқ оддий пашшанг ҳам.  
 Жаҳон таркиботи бирликка эга,  
 Бу бирлик шубҳасиз, нафасингда жам.

Халқда ҳаракатдан ўзга нарса борми? Иўқ.  
Дунёдан қўл ювса, фойда унга ёрми? Иўқ.  
Хаёл ойнасин юз минг жилvasи бордир,  
Улардан биттаси унга вафодорми? Иўқ.

Бедил, ишоратинг кўп томони бор,  
Унда жуда кўпdir эшигу, девор.  
Хоҳ, «у» дегил, хоҳ «сен», ёки «биз» деб ёз,  
Ҳақ маъносин очар иборанг бисёр.

Сендан юз ўғирмок, қайдадир, жонон,  
Сендан кўз узмоқлик қайда бирор он.  
«Мени ёд этмайсан», дедингми? Ҳайхот,  
Ҳаётим сен билан, унутай қачон?

Бойлик орттирмокқа хирс қилур ғавғо,  
Ўз куч-қувватига эга ҳар сиймо.  
Шайх бўлур салтанат кучи бўлмаса,  
Куч етмаган жойда золимлик пайдо.

Нимага эҳтиёж таъбда бор экан,  
Гул очса, ҳамрохи бўлади тикан.  
Нон емак қуроли бўлган тишларинг  
Тушар осон, чиқар қийинлик билан.

Илм күз-күз қилмаслик камоли ўзга,  
Лаб очмай сўзламоқ мақоли ўзга.  
Ясанчоқлик, кибру ноз оламида  
Онна тутмаслик жамоли ўзга.

Бедил, ҳар бир очик кўзга мўй иўлдош,  
Тўгри пешонада бордир эгри қош.  
Тўлин ойга боқсанг ҳилолга мойил,  
Тизасиз эмасдир сен кўрган ҳар бош.

Бул куида ализлар давлат конидан  
Сарой курар, мағрут давлат шонидан,  
Кўзинг очиб боқсанг пешонасига,  
Ажинлари тимсол баҳт нарвонидан.

Ҳар илдиз ортида шан чаманзордир,  
Ҳар қанотга юксак учмоқлик ёрдир.  
Ваҳмдан янги ой мисоли озма,  
Эшиклар калиди чўнтакда бордир.

Яхшилил қилсанг ўз дилинг баҳтга ёр,  
Емонлик кўргузсанг кўнгилда губор.  
Ҳали қиёмат кун келгани йўқ-ку,  
Яхшилил қиласвер, ҳисоб не даркор.

100

Токай сўроқлайсан, ул ёр қани деб,  
Юзлари никобли дилдор қани деб.  
Киприклар тўсмаса кўзинг ўнгини,  
Офтоб хонасида девор қани деб.

101

Бедил, азиз бўлса осудалик дам,  
Ўзгага ёмонлик ўзингга ситам.  
Топталган дил кўрдинг, ҳар ён сайд этиб  
Оёқ остинг қадак, аста бос қадам.

102

Яхши-ёмон деган сўзлардан, қаранг,  
Охир ҳақиқат ҳам бўлмишдир беранг.  
Қулогинг динг қилиб ҳайрат сирин тои,  
Анқо халқ оғзида пар тўкиб, гаранг.

103

Ҳеч телбалик келмади девонага мос,  
Ҳеч бир ақл тадбири фарзонага мос.  
Кўзлар тупроққа ботди умр губоридан,  
Бирор кипни келмади бу хонага мос.

104

Ғуборим йўқлиksка яқин бўлса ҳам,  
Жуда тордир билим ва ақл кўчам,  
Соч оқим нур берди пиликка, аммо,  
Хирадир йўлимни ёритгувчи нам.

Шиша қул-қулида ибрат муҳайё,  
 Гул хандасида бор ноладан имо.  
 Бу чаманда пайдо ҳар тус ва ҳар ранг  
 Қадам андозаси, оёқдан садо.

Бахмалу мўйналар истасанг, Бедил,  
 Қаноат соясин оромбахш билгил.  
 Тубанлар олдида тўкма обрўйинг,  
 Ҳирс бўлса ташналик, ҳаёни сув бил.

Даврим одамларин нафаслари сард,  
 Кўполликда ғайрат кўрсатар бедард.  
 Бу пастлар тўдасин эътиқодидан  
 Билдимки тубанлик кўрсатар номард.

Қайда ҳаку ноҳақ ажратилмайди,  
 Кишилар таъбида софлик бўлмайди.  
 Бир пастга пастлигин айтсалар деди:  
 «Ҳар кимга бу давлат насиб қилмайди».

Афсус, айшу ишрат замонам ўтди,  
 Босиб чангурбат, ғам-алам ўтди.  
 Йўл-йўл оқ сочимдан равшан бўлдики  
 Иўқ умрим юз йўлдан еб барҳам, ўтди.

## 110

Қилмиш-қидирмишдан кимки бохабар,  
Заифларга зулм құлмас, алқазар.  
Кескир бир болтага айланур шиша,  
Бирдан ўтда әриб кетса у магар.

## 111

Бедил, дўст-душманни қилсанг имтиҳон,  
Таъби оинасин айла намоён.  
Бераҳмроқ бўлур золим хилватда,  
Ялангоч тигдир пўст ташлаган илон.

## 112

Қарилик горати айлади шиддат,  
Танда тоб қолмади кўнгилда тоқат.  
Бизга ҳасрат бўлди дўстлар дийдори,  
Бизни кўрмак эса дўстларга ибрат.

## 113

Ҳар бино ҳароби ўз ободлигидир,  
Дил нағмадиги ғамдан озодлигидир.  
Сенинг қўлинг ичра нақш солган чўғлар,  
Ўзга ой шуъласин бунёдлигидир.

## 114

Сўздир ақёнуслар бекаронаси,  
Сўздир маъно деган гавҳар хонаси.  
Олий назм меҳнату чидам истайди,  
Сўзнинг ҳам бор баланд, паст поғонаси.

115

Фақирликда пўстинг етса суякка,  
Сир бой берма дўсту душман юракка.  
Эҳтиёжинг билсин фақат шул киши,  
Хожатинг чиқара олса у якка.

116

Эй ғофил зоҳид, ҳеч зикрингда йўқ ҳақ,  
Сўзларинг, кўшиғинг маъносиз мутлақ.  
Бемаъни зикрингга мос тушса тасбех,  
«Ҳай-ҳай» деганинг ҳам маъноси тақ-тақ.

117

Борлигимдан асар — нафаси сардим,  
Кўрай десанг, кўзгу дилдаги дардим.  
Мени сўроғласанг ёдимга ташна,  
Умримдан қолгани бир ҳовуч гардим.

118

Шаҳидларинг хоки кўз ёшидан нам,  
Исириқ дудида бул садодир жам:  
«Ишқ даъвоси осон эмас, эй ғофил,  
Ҳануз куймокдамиз ўлган бўлсак ҳам».

119

Мартабанинг бўлса жонга ороси,  
Ҳар табиатнинг бор ибрат зиёси.  
Ҳушёр бўл, очкўзлар табиатида  
Бордир кўз илғамас Шаддод биноси.

Бу дунёда қандай нақшки жилвагар,  
Тасаввур гулзори, беҳишти назар.  
Ўзимиздан барча яхши-ёмонлик,  
Кўзгуда кўрганинг ўзингдан ахтар.

Ким тополса мухтож бўлмаслик йўлини,  
Фуқаро-ю шоҳга чўзмагай қўлини.  
Ҳар фурсат ғанимат эканин билар  
Кимки қаноатга тўлдирса кўнглини.

Ҳирс аҳли васвасадан тиёлса қадам,  
Очкўзлик шу ондаёқ топади барҳам.  
Яъни тамаъ қўлини тортгани замон,  
Илтимосдан юмилар унинг лаби ҳам.

Уз васфида олим гуфтори қизик,  
Уз ишқида мажнун ашъори қизик.  
Бу даштнинг кумлари тўзгиб битгунча,  
Лофу ҳангоманинг бозори қизик.

Таинҳо бекасликни кўзлаган одам  
Жамлаган нарсаси фактат дарду гам.  
Бизнинг хонамизда сенинг изингсиз  
Тутаб куяр, аммо нур сочмагай шам.

Бу боғда ўсмишdir минг тур гул, тикан.  
 Минг ҳайфки тагига ета олмайсан.  
 Дин, дунё ишидан эшиттанларинг  
 Яхши ёмонлигинг таърифи экан.


Қисқармоқлик бўлгач ҳаёт ўсмоги,  
 На ҳожат ноз ила безак бермоги.  
 Бу базмда шамдек ўлтирса ҳамки,  
 Турмоққа ҳассадир бошдан-оёқ.

Яна нигоҳимиз мисоли чаман,  
 Ер васли юз кўклам — наврўзча экан,  
 Бул куни кулбамиз қуёш хонаси,  
 Кўзимиздан борлик чироғи равшан.

Истак қўли доим талабда бебок,  
 Уни қисқартмоққа қистайди идрок.  
 Ҳар гал енгдан қўлинг чиқарган чоғинг,  
 Ҳар битта бармогинг этар ёқанг чок.

Фақир хонангда барқ урмаса ҳиммат,  
 Ҳар қайда ҳамроҳинг хорлик, ҳақорат.  
 Шоҳга яқинликда ифтихоринг зўр,  
 Ўз ҳазратларига йўқ-ку ҳеч ҳурмат.





Осмон бўлсанг ерга эгилмоқ яхши,  
 Тупроқ бўлсанг кўкка интилмоқ яхши.  
 Нотавон, бечора бўлмағил зинхор,  
 Файратда, ҳимматда бўл порлок, яхши.

Рамз гавҳарин пардасиз Бедил термас ҳеч қачон,  
 Баҳор чечакларидаи йигиб, этмиш у ниҳон.  
 Раъни гулин минг рангда оча олган бўлса ҳам,  
 Тушунгандардан бирин айта олмади ҳамон.

Фитрат афсуигари кўп ғайрат этди,  
 Хомлар ишончига нима наф етди?  
 Юз шукрки Исо, Маҳдий қиссаси  
 Имонининг сустлигин кўтариб кетди.

Қайда мурувватдан сув ичса одам,  
 Вафодан бошқасин меваси алам.  
 Фақирликни билма нотавонлик деб,  
 Лаб қуриб қолса, тил уига берар нам.

Илдиз узсанг, уруг хаёли ватан,  
 Илдиз пайдо бўлур яна уруғдан.  
 Янгиланиш эски осоридандир,  
 Янги равиқига эскиси маскан.

Кўк царгорида бош-оёқ бажо — ҳар иккиси бир,  
 Шоҳларнинг тожи — касойи гадо — ҳар иккиси бир  
 Пастлик-баландлик фарқин қилмоғинг бекабарликдан  
 Оёқда ҳалҳолми бўйинда тавқ ё — ҳар иккиси бир.

Кеча чаманим куйи урди бошимга,  
 Наргис куйи маъқул келди қошимга.  
 Зар даҳан кўм-кўк най нималар дермиш:  
 Билолмай кетибман келмай ҳушимга.

Роз оламида ҳар ким борар илм йўлидан,  
 Вазминлиги гувоҳдир унинг илми мўлидан.  
 Сувдан чиқсан ҳар кўза бунига мисол бўлади  
 Ҳажмига лойик олар оғирлик сув қўлидан.

Юз шевадир мен ёзган ашъор,  
 Езмадим уни мен бир кунда, якбор.  
 Таврот эмаски унинг ҳаммаси,  
 Тушса осмондан бир йўла тайёр.

Мардлар «у йўқ, бу йўқ» демасалар асло,  
 Орзу кўп ғамида қилишмас ғавғо.  
 Мард бўлсанг холи бўл бўш фол боқишдан,  
 Фолга ишонолмас мард ақли расо.

Таъбингда бўлса гар шодликдан асар,  
Хулқинг яхшилашга енгингни шимар.  
Сайқалтошнинг ўзи текис бўлмаса,  
Қилолмас ойнани текис, жилвагар.

Ҳурлик корхонаси асли бу дунё,  
Бунда паст-баландни ажратмоқ хато.  
Билсанг агар бой ким, гадо ким бунда,  
Ҳеч кимга беодоб бўлмайсан асло.

Сакраб бўлмас бўлса оёқда тикан,  
Ғам кетмаса айш ҳам етишмас экан.  
Таъб эркинлигини истайди олам,  
Нодон оёғида мол-дунё кишан.

Қай шеърда йиртилса пардайи увон,  
Мактуб рамзи бўлур ялангоч, урён.  
Хаёлга не келса, ёпиқ қолмагай,  
Сир бўлмас, бўлмаса дилингда ниҳон.

Эй мастрлар, қувноқлик шаъми ўчмишdir,  
Қаро кечада тонг ёддан кўчмишdir.  
Қаҳва ичиб, шодлик кетидан йигланг,  
Кайф мотамида май қаро кечмишdir.

Гоҳ Каъбада қилдинг тавба-истигфор,  
Гоҳи бутхонада бўлдинг оташкор.  
Ҳеч нарсага куйдинг, ўзинг ҳам ҳечсан,  
Лаънатлансин бундай тасбеҳу зуннор.

Вафоли, маст-аласт кишидек тақдир,  
Юмшоқ табиатин кўрсатиб бир-бир,  
Зоҳидларга боғлаб зоҳид соқолин,  
Риндлар пиёласин риндга бермишдир.

Эй вафо ахлоқин асл жавҳари,  
Жанг эмас, сулҳ бўлсии ақлинг сарвари.  
Дилингда бировга қўзгалса нафрат,  
Рангинг ўчмай, ўгир юзинг, кет нари.

Хожа ҳирсин ғалаёни доимий бир ҳол,  
Хотиржамлик ундан йироқ, тинчимас хаёл  
Кимнинг агар ҳирс-ҳавасга кўзи тўймайди  
Унинг гадо косасини тўлдирмоқ маҳол.

Бу ҳаёт ғулханин дуди сену биз,  
Куймак, қоврилмоқдир ишимиз, эсиз.  
Осудалик гумон қилмангиз бунда,  
Дилда олов, аммо совуқ оҳимиз.

Шоҳ саройидан обрӯ топмайди одам,  
Ундаги тубанликлар ҳар нарсадан кам.  
Иzzат десанг қаноат бурчагида бўл,  
Пастларга тобеликка арзимас олам.

Пастда кўк экинзор, устида осмон,  
Ҳар кўкат баҳори ўзгадир аён.  
— Нега кўзинг юмуқ? — десам буғдойга,  
— Жим, кўзим ўнгига,— деди,— тегирмон.

Бу дашт қоронгидир, Бедил, сарбасар,  
Ҳар ким ҳар ён кетди, қайтмади дигар.  
Мен, сен ҳам кетамиз, ўзгалар келур,  
Кўплар ўтдилару, яна кўп ўтар.

Дўстлар ҳавас-ла нафас олдилар бекор,  
Не меҳнату заҳматта бўлдилар дучор.  
На йўқлик баргин, на борлик осмонин  
Тополмай бекор яшаб, ўлдилар бекор.

Эдик на динга, на дунёга муҳтоҷ,  
На бугуни, на эрта-фардога муҳтоҷ.  
Баҳри мутлақ иссиқ мавж урди шундан  
Бўлдик ўзимиздек аълога муҳтоҷ.

Олма ёд шахматдан, эй шоҳ, тахтга минмоқ санъатин,  
 Бўлма мағрур сен кўриб шахмат сипоҳи савлатин.  
 Кимки мухтожларга одоб бирла боқса, шоҳ эзур,  
 Бул ўйиндаи «шах» деганда ол ҳайикмоқ ибратин.

Эй тахту баҳт хаёлида туттан лиммо-лим қадаҳ,  
 Фуурурдан тўлдирма ҳеч хунга бетиним қадаҳ.  
 Бунда кайф бермайдиган майга фақат бўл таслим,  
 Ерга пешона уриб, кўтаргил таслим қадаҳ.

Биздан на ишқ, на ҳавас қолажак,  
 Оҳимиз тўлган бу қафас қолажак.  
 Фикримда абадлик, лек нафасим дер:  
 «Умр карвонидан жарас<sup>1</sup> қолажак».

Зоҳид табиати совуқ мисли ях,  
 Уни иситолмас ҳаттоқи дўзах.  
 Шаклга кирмаган она қорнида,  
 Иссиқда ҳам қотар тухумдек, аблар.

<sup>1</sup> Кўнғироқ овози.

Сабримиз горати ул шўхи маҳтоб,  
Танҳоликда бизни айлади кабоб.  
Кўз қорачигимиз оёғин нақши,  
Қадамин гардидан кўзимиз офтоб.

Бедил, ишга кишилар бўлсалар яқин,  
Соядек оёғингда бўлур сарнигун.  
Сенинг сўзларингни фаҳм этолсалар,  
Ўзлари бўладилар маъно-ю мазмун.

Бу жаҳон иқболи ҳашам истайди,  
На фазлу, на таълим, чидам истайди.  
Ҳўқиз ва эшакдан олингиз сабоқ,  
Ҳатто улар шоҳ ҳам, дум ҳам истайди.

Кўплар гердайиб ўз ҳолидан, ўйнар,  
Мавж урган кўпик хаёлидан ўйнар.  
Ҳаяжонсиз эмас баҳор гул гашти,  
Товус ҳам шодланиб болидан, ўйнар.

Бу ҳаёт майдонида бардошли инсон ўзга,  
Ҳавас отига миниб, қилувчи жавлон ўзга.  
Текшириб бил маънисин, бўлгил тақлиддан узок,  
Соқолликлар ўзга-ю одами мардон ўзга.

Бу даштда интилиш карвонлари бор,  
 Иўловчи шиддатин нишонлари бор.  
 Камолга бир йўла етиб бўлмайди,  
 Тўлин ой йўлида нарвонлари бор.

Нечоғлик бўлмасин инсон камоли,  
 Кўкда Исо ерда Илёс мисоли.  
 Ваҳм ҳалқасидан ҳеч ким чиқолмас,  
 Бари сирланган тос ичра чумоли.

Кўшиксиз, мавжсиз бу ҳаёт уммони,  
 Ҳар томонда қайнар кўнгил тўфони,  
 Фалакнинг авжидан ер қаъригача  
 Куйдириб қайнайди инсоннинг қони.

Минг қатра тўлқинни маҳв этар тўфон,  
 То бўлгунча дона, бир дур намоён.  
 Одам умри бўйи ҳавас кетида,  
 Токи одоб олиб бўлгунча инсон.

То фазлу ҳунар-ла безанмай инсон,  
 Бирон баҳт эшиги очилмиш қачон.  
 Жавҳар билан темир бўлади пўлат,  
 Илмсиз ўз жинсидан чиқмоги гумон.

Дүстлар гар мени сендан жудо күришар,  
Лекин у бехабарлар хато күришар.  
Соя узок тушса ҳам ўз эгасидан,  
Оёгин остида же-бажо күришар.

Молу ҳол йўлингга экилган тикан,  
Ундан қутулиб тур осонлик билан.  
Этакка ёпишиб йигилиб қолса,  
Териб ташламоқлик кўп заҳмат экан.

Умрим олиб кетгач йўқлик карвони,  
Омои қўйди дунё жанжал-талони.  
Шам каби қидирсам тинчлик ковагин  
Қадамим тагида экан нишони.

Йўлбарс ила шерни енгтан мард киши,  
Бўйин эгиб турса, бу ҳаё иши.  
Таёқ урмоқ бўлса агарда мардлик,  
Утарди савоқчи чўпин саваши.

Дўстлик тушунчадан қолмади асар,  
Вафодан нишон йўқ, риё жўш ураг.  
То яхшилик ҳаққин қилмай мукаррар,  
Ифодага қашпоқ ҳар шеърий асар,

Бу чаманга кимнинг тушибди йўли,  
 Бордир бу баҳордан орзулар мўли.  
 Маъюс дил билан ҳам шодмен ёдингдан,  
 Синик кўзгунинг ҳам бор ўнгу сўли.

Қайси бошда бойлик ғуури аён,  
 Фазлу камол завқи камдир бегумон.  
 Бундай ақлсизлар маъни англамас,  
 Зар чизикини кўрап ва рақлаб қуръон.

Шошмоқ инкор этмоқ худнамога хос.  
 Тўғрилик, соғломлик бенидога хос.  
 Жаҳон талаб этган олам хабари,  
 Пахта тиққан қулоқ бедавога хос.

Қарилик гуллайди мисоли баҳор,  
 Безакка бойдир бу фасли интизор.  
 Кетмак пайида бўл соқол оқаргач,  
 Бу пахта тагида учқуни ҳам бор.

Қабри тошдан бўлур бой бўлса нобуд,  
 Мозорин қилишар сийму зарга бут.  
 Факирликда ўлса дониш эгаси,  
 Оддий бир тахтадан ясашар тобут.

Карам дастурхони ёйилгап нафас,  
 Бахиллик дилингдан йироқ бўлса бас.  
 Таъбингда бор эса инсоф жавҳари,  
 Димоғингда бўлсин ҳасадмас, ҳавас.

Ҳар ишда ўзига яраша кўшиш —  
 Бўлса анжомига етади ҳар иш.  
 Фурур ҳаддан ошса ҳис-туйғу қолмас,  
 Тирноқ ўсса қийин тугунини ечиш.

Бу дардисарларки, ғаразга бобо,  
 Жиннилик жавҳарин қилишар ифшо.  
 Бадҳазм луқмадек мараздир булар,  
 Қочиб қутулмасанг, топмассан даво.

Мумсик бой олдида ўлим нақд бўлди,  
 Заридан бир табиб қисими тўлди.  
 Тиллоси сарф бўлиб кетганидан бой  
 Сихат топган чоқда қайтадан ўлди.

Қайда қилча зидлик кўрса гар мардум,  
 Шунда бўлур олам дўстлик или гум.  
 Бир томчи сиркадан ачийди бари,  
 Агарда тоза сут бўлса ҳам юз хум.

Бу дунё захматга арзимас бир иш,  
У дунё — асосиз хаёлга юмуш.  
Бу икки маъносиз сўз таҳририга  
Сиёҳ бўлмасмикин қоронги бир туши.

Қанчалар симоку самак бўлади,  
Е ул ёқда мулки малак бўлади.  
Ҳар қачон ўзингта назар ташласанг,  
Жойинг доим зери фалак бўлади.

Зоҳид еру сувга бўлмоқчи ҳоким,  
Гаҳ таҳорат нози, тоғи табассум.  
Салласин печи-ю соқолдан ўзга  
Бирар нарсаси йўқ, бу эшакка дум.

Дейдилар янги соз ва шодлик боҳам,  
Тун кетса, тоңг отса, келса сафид дам,  
Бизга йироқ бундай нозик хаёлот,  
Сен келсанг, шу замон биз учун байрам.

Ҳар неки тингладим — сенинг баёнинг,  
Ҳар нимаки кўрдим — сенинг нишонинг.  
Қайда бошим уриб, қилдим саждалар,  
Кўзим очиб кўрсам, сенинг остоининг.

189

Токай висолингдан ўзга бўлур шод,  
Рақиб вайронаси сен бирла обод.  
Муштоқинг жигари «оҳ»дан қофоздек  
Енмасин, йўл қўйма, элитмасин бод.

190

Кечаги шоҳ деди: «қирилсин соқол»,  
Буниси «қирманг» деб амр этди дарҳол.  
Зоҳиран назар қил булар ишига,  
Е бир тук кўпайди, ё топди завол.

191

Қасд айла, ҳеч кимни ранжитма фикран.  
Кудурат уруги бўлмасин хирман.  
Агар душманингни дўст қилолмасанг,  
Шундай қилки, дўстинг бўлмасин душман.

192

Иш кўнгилдагидек, эй воҳ, бўлмади,  
Дил қон бўлди, баҳтдан огоҳ бўлмади.  
Тасбеҳдан чўзилиб ётар умр иши,  
Оёқ қабарди, йўл кўтаҳ бўлмади.

193

Қул бўлайин ул кишига, бўлмаса у гар номард,  
Совутмаса ҳаё, одоб ҳангомасин айлаб сард.  
Ўзи хуноб бўлганда ҳам ёнишмаса бировга,  
Ўзи гард-гард тўзганда ҳам юқтирмаса дилга гард.

194

Ҳар юрак тепишин бор ўз навоси,  
Ҳар бошнинг шуъладор бордир ҳавоси.  
Не сўрайсан нафас асиirlаридан,  
Ҳар занжир ҳалқасин бор ўз садоси.

195

Бу ғамгин нафаснинг таъби хўп мавзун,  
Гунича тўла баҳор бу дили пурхун.  
Сўз парисин осон эмас сеҳрлаш,  
Фақат куйган нафас кўрсатур афсун.

196

Кимки ғанимат деб ватандан кўчар,  
Бошқага ҳам кўнгил қўёлмай ўтар.  
Учқун тошдан ажраб чиққанидан сўнг,  
Қанча ардоқлама, бари бир ўчар.

197

Ҳез ёнида мард ҳам номард бўлади,  
Бехиммат, бегайрат, бедард бўлади.  
Гар оташ юз йилча шуъла сочса ҳам,  
Бир дам сувга ботса шул он ўлади.

198

Бу дўстлар бир-бирига қуллуқ қилишар,  
Бир-бирига бош эгар ҳам бўйсунушар.  
Бир нафас ажраса, бир-бирларидан —  
Кесилган бўғиндек хунук қулишар.

Забт этайин десанг сен илму ҳунар,  
 Инсоф, камолни эт ўзингта раҳбар.  
 Бедилдек пухта шеър ёзайин десанг,  
 Пўлат қалам бўлсин, сиёҳ эса зар.

Юз ҳайфки мулло шошмоққа мойил ўлди,  
 Олим бўламан деди-ю, жоҳил ўлди.  
 Яъни билим лофи орада кўигач,  
 Маънавий озуқа беҳосил ўлди.

Қайдаки мавжуддир лутф ила қарам,  
 Ул киши таъбига илиқлиқдир зам.  
 Яхшилик истаманг совуқ кишидан;  
 Музлаган чечакнинг иси жуда кам.

Хуррамликда қашшоқ бизнинг бу кишвар,  
 Роҳати ҳам мотам билан баробар.  
 Янги чақалоққа ичиришар сут,  
 Ҳаёт ҳавосида бор экан заҳар.

Гўзаллар дунёда қулф урган баҳор,  
 Хоҳ хитойлик бўлсин, чигил ё тотор.  
 Аммо фарангининг ҳуснидан билдим:  
 Бу дўзахийларда ўзга жаннат бор.

Бу биёбон ичра ҳар туп чакалак,  
 Мажнунга күринар Лайло уйидак.  
 Ишқ аҳли қабрига зиёратда бўл,  
 Беш кун олдин эди осмону фалак.

Сўзинг авжи жунунликка ташлар каманд,  
 Кўп қизишиб, кишилардан кулма ҳарчанд.  
 Зинҳор жим бўл, сиқим тупроқ кўкка учса,  
 Чанг бўлса ҳам чиқа олур жуда балаид.

Кўз ёшим киприклар бесабот ўйнар,  
 Охим қоқиб жигардан қўш қанот ўйнар.  
 Единг билан рақс тушади дилим,  
 Номинг билан тилим ғамга ёт, ўйнар.

Кариликдан ҳаёт асоси барҳам,  
 Бўғинлар қурқшади, киприк эса нам.  
 Қош уюлиб тушди кўзлар устига,  
 Эски уй пештоқи бўлганидек ҳам.

Шундай рамз борким, доғ бор ойда ҳам,  
 Бундан ибрат олур ҳақиқий одам.  
 Оёғи остида қора соя бор  
 Ҳатто у фалакка бўлса ҳамки шам.

Токай фириби чангу най ғамин ейсан,  
 Е ишвайи баҳору дай ғамин ейсан,  
 Қомат хам бўлди-ю, айшдан дарак йўқ,  
 Қадаҳ тўнкарилган, май ғамин ейсан.

Ҳирс юкини қачонгача кўттарар инсон,  
 Эҳтиёждан фориг бўлса, соф бўлса виждон,  
 Жаҳду-жадал, ҳиммат, карам кетмас эди ҳайф,  
 Ҳирс гардини босиб ўтса, супурса осон.

Бу кураш олами тажрибасида  
 Ҳар нарсани ечар ҳиммат аслида.  
 Бунда инсон жаҳди қўшилмас ҳар он,  
 Қўшилса осмонни кўр ер остида.

Ҳақиқатни тўssa шубҳа, афсона,  
 Кўнглишимиз банд этар дайру бутхона.  
 Ҳақиқатни сезгач чекинар улар,  
 Кундузи келарми шамга парвона?!

Жавҳари қудрат бор тил-забонингда,  
 Ҳақиқат, садоқат бор баёнингда.  
 Минг ҳайфдир хатолар манбаи бўлсанг,  
 Жаброил парвози ошёнингда.

Ким уйқу, овқатта бўларкан банда,  
 Мардликда сусткашу факир, шарманда.  
 Нафсин енгмоқ учун сабот керакдир.  
 Қилич кесмас даста бўлмаса анда.

Табиатингдан ғуур қўтарса гар бош,  
 Соғ қўнгилга ҳам бўлгай надомат йўлдош.  
 Ғуур оғатидан sog қолмоқ қийин,  
 Аввал ўзин куйдирап аланга авбош.

Фитна қўзғатади кина, адоват,  
 Оқиллардан чиқса баттар қабоҳат.  
 Энг равшан чироқдан кўтарилиган дуд —  
 Бошқа ҳамма дуддан қорадир албат.

Юз тугун, юз ечим бўлмишdir боҳам,  
 Токи ўз рангига киргуича олам.  
 Дилтанг бўлманг, кўкда ҳилол мисоли  
 Калити осиглик ҳар эшикнинг ҳам.

Букун бутун олам суҳанвар бўлди,  
 Шеърият фаҳми ҳам мушкултар бўлди.  
 Шеърият ривождан қолса не ажаб,  
 Шоирлар товушидан қулоқ кар бўлди.

Фитратингдан жудо бўлмасин ҳаё,  
Оёқ остингга бок, бўлма бепарво.  
Бунда ялангочдир яхши-ю, ёмон,  
Кўзгу бўлма, шуни истайди ибо.

Қайсар таъбига ранг беролмай ҳайрон,  
Тилига зўр берар ақлсиз инсон.  
Еғи тамом бўлган чироқ пилигин  
Кўтарилиб турган сингари ҳар он.

Паст кишига ёрдам берма, арзимас,  
Тарбияга лойик эмасдир нокас.  
Фақат адоватга хизмат қиласа тиф,  
Қилма унга сайқал бермоқни ҳавас.

Инсон танасини айлаб имтиҳон,  
Қайтаким қарама тугун намоёи.  
Қазо шунча бўғин-тугун солганким,  
Улмай кутулмоққа қолмабди имкон.

Ранжимни кўзлашар бир тўда бекор,  
Умр бўйи ранжда бу дили бемор.  
Сендан йироқ дея бу ошики зор  
Бедилга беришар тинимсиз озор.

Фалак гарданимизга ортган юкни бок,  
Химматимиз күтарар, аммо тоқат тоқ.  
Шам шуъласи бошидан тушар оёққа,  
Иши хоҳ нур сочмоқлик, хоҳ бўлсин ёнмок.

Умримга надомат бўлди ҳамоҳанг,  
Юз билим, юз жунун менга кўндаланг.  
Умр бўйи нолам йирттар нафасим,  
Ким ҳаёт либосин тикмиш бунча танг.

Неки гўзалликка эгадир жаҳон  
Хиндустон диёри барига макон.  
Қорача жононлар бари маргубмас,  
Лек Лайло ватани шаксиз Хиндустон.

Истак димоғига баҳс олмишdir ийл,  
Ҳақиқий бойликтан, деди огоҳ бўл.  
Қўл қовуштиргандим талаб шармидан,  
Ҳар икки дунёдан бирдан ювдим қўл.

Халқقا ибрат сози созланмади, оҳ,  
Яхши-ю ёмондан бўлмади огоҳ.  
Ҳар жойда сўқирлар йиғини экан,  
Сурма бўлдик, равшан бўлмади нитоҳ.

Бу дунёда не-не фитна сурдилар,  
 Нафс учун ҳар қандай йўлга юрдилар,  
 Одоб нима билмай бир-бирин сўкиб,  
 Мазҳаб биносига асос қурдилар.

Қачон ахлоқ шармандалик келтирас яланг,  
 Унда ҳаё қофиясин ҳоли бўлур танг.  
 Сув ҳам кўрса ҳавонинг совуқлигини,  
 Нафасини тортиб ичга бўлар муз-харсанг.

Ер келди афсун-ла олди ҳушимни,  
 Ҳайронликдан билмай қолдим ишимни.  
 Ерга ҳар мўйимнинг арзи бор эди,  
 Оёғига урдим унсиз бошимни.

Қачон дилим илму фанга ёр эмас эди,  
 Қинғир-қийшиқ юрмак менга ор эмас эди.  
 Икки жаҳон огаҳлиги солди дилга ғаш,  
 Қанотим йўқ экан — қафас тор эмас эди.

Кимки нокасларга қарам бўлади,  
 Номард олдида ҳам мулзам бўлади.  
 Агар шер кучукка бўйсунар экан,  
 Обрўси мушукдан ҳам кам бўлади.

Айбдор ўз айбин қилганда изҳор,  
Уятсиз кулгисин бошлар нобакор.  
Кишилар айбига камроқ кўз юмиб,  
Кўпроқ оғзин очар бундай шармисор.

Сени пастта урган ҳирсинг эмасми,  
Фолингни бад кўрган ҳирсинг эмасми?  
Шоҳ, амир эшигидаги итоат билан  
Кўлинг қовуштирган ҳирсинг эмасми?!

Қайси калтабинки, ҳалқидан жудо,  
Амал деб бўлганди далқидан<sup>1</sup> жудо.  
Оёғи остида не бор кўрмаган, —  
Ҳавойи бу бошдан бўлди тан жудо.

Эй, теракнинг барги каби титраб турган чол,  
Ҳам тоқатдан ўзга умид тоимогинг маҳол.  
Умр видоси номусини елга учирма,  
Эл эшигин супурмасин бу оппоқ соқол.

Баланд мартабага минса паст киши,  
Фалак ақл бермас, настлик қилмиши.  
Оёқда қабарчиқ улар калласи,  
Кўпчиб чикса фасод йигмоқдир иши.

<sup>1</sup> Дарвешларнинг жул кийими.

Ер сұхбати тун, гул сайри сақар истайди,  
 Ҳар соз ўзга таронайи дилбар истайди.  
 Қарисам-да ажралолмам лаъли лаблардан,  
 Тишилизлигим оқ сут бирла шакар истайди.

Менга боқиб кимнинг күзи бўлмас нам,  
 Ҳолимга афесуки кимлар емас ғам?  
 Дўзахга тушсам гар, мендан уялиб,  
 Кавсардан ортиқроқ терлар олов ҳам.

Қайда иқбол агар офатга подош,  
 Аввал ақлсизлар дилин босар ғаш.  
 Давлат чиқишилмас нокаслар билан,  
 Хору хастга тушса ёндирап оташ.

Уят-ку, қалбингдан кетмаса даъво,  
 Бошингдан чиқмаса ғуур ва савдо.  
 Нам тупрокни шамол қўзғата олмас,  
 Ҳаё аҳли бўлмас амалга шайдо.

Кимнингки раҳбари бўлибди ҳаё,  
 Уни маҳв этолмас офат ва бало.  
 Оёғин остига бокқан кўзларга  
 Бу ҳавас даштида чанг тушмас асло.

Дил биносин умр табоҳ<sup>1</sup> қиласи,  
Бизларни на гадо, на шоҳ қиласи.  
Олган нафасимиз қўлдан келганча,  
Хат тортиб варакни сиёҳ қиласи.

Бедил, ором ҳаваси берди кўп озор,  
Ўзни тиявериш қилди кўп безор.  
Дилга фароғат ҳам келтирас кулфат,  
Умр или чувалиб бўлди тугундор.

Епилмади ҳирснинг ҳаёсиз лаби,  
Бедил, йўқолмади унинг талаби.  
Орқа-ўнги кўмилиб кетса ҳам донга,  
Оғзи ҳеч ёпилмас тегирмон каби.

Дўстлар, ибрат гулин этинг этакларга жам,  
Ҳар мотамда йиглайверманг, бўлинг хотиржам.  
Мен ёримдан олисадаман, ўлим мана шу,  
Гар кўзингиз бўлса менга тутингиз мотам.

Эл аро одобдан афсона қолди,  
На ҳешни билиш, на бегона қолди.  
Шахмат донасилик бир-бирин қириш,  
Охири на бир ғишт, на хона қолди.

<sup>1</sup> Бузук, вайрон.

Агар ишқ табиби тополса дармон,  
 Қуруқ таскин керак әмас бегумон,  
 Ҳар қуйғанга бордир ўзин тузлиги,  
 Иссиқ кул түзғиса чұғ чиқар осон.

250

Дүстлар, на ёру, на ағёрға йигланг,  
 На вафот этган, на беморга йигланг.  
 Улфатлардан айрилдим, менинг дардим зўр,  
 Барчани қўйингу мен зорга йигланг.

251

Кўзларим йиғларми бирор одамдан,  
 Е дилим қуршаган қайгу-аламдан.  
 Шам каби ҳар нафас кўз ёш тўкаман,  
 Йиғларман ўзимга тутган мотамдан.

252

Дўстликдир иттифоқ бўлиб йиғилиш,  
 Бир-бирдан ажралмай соядек юриш.  
 Бу вафо базмида ундей дўстдан кеч,  
 Кейин келиб, олдин кетса мисли тиш.

253

Ҳар бир рамз сен билан менда, эй инсон,  
 Нозик фахмларга бу сирлар аён.  
 Еқуб димоғидек нигоҳ пайдо қил,  
 Юсуф ўз кўйлаги бўйида нихон.

Эшак керилади, түкими заррин,  
Аслида на одоб бор унда, на дин.  
Султон амалидан керилган одам  
Камолга етказар ўз қабоҳатин.

Келганида эрта қиёмат замон,  
Осиyllарга раҳмат ёғилур чандон.  
Бедил ҳазил-хузил ёзган бўлса-да  
Малакларга тасбех бўлур у ҳамон.

Чаман шавқи уйдан чикорди бир кун,  
Гулда сеҳр кўрдим, лолада афсун.  
Наргис жигаримга ўт ташлаб, қилди  
Кўзимни баҳору, ўзимни мажнун.

Боғман юз хил рангу бў кўрсатаман,  
Денгизман юз нахру сув кўрсатаман.  
Эй сир излагувчи, мени унутма!  
Охир ундан ҳам белгу кўрсатаман.

Денгиз мавжи қатра оддий сув аксар,  
Дурга қўшилди-ю бўлди у гавҳар.  
Сўз асли шамолу шоир назмида  
Мавзуи бўлгач ўлди Садди Искандар.

Букун ўзгаришга учради замон,  
Хатто аёлларда мардлик намоён.  
Шундай кетаверса бола эмизмоқ  
Эркак зотига ҳам бўлади осон.

Бу қавмни фалак султон дер экан,  
Хузурида суриинг юмшоқроқ сухан.  
Мусо кўрқмаса ҳам ҳеч фиръавидан,  
Ҳақ сўзин етказади хўп одоб билан.

Дашту роғ ҳаваси қийнамиш бул кун,  
Е боғ савдосига дил бўлмиш тутқун.  
Боғу роғда пароканда дилингни  
Жамласанг топурсан фароғат мулкин.

Гадо либосида келдингиз, аммо.  
Асили маконингиз юксак ул само.  
Мехрибонлик қилинг бир-бирингизга,  
Осмон эдингиз-ку, бўлмай зери по.

Шайҳу зоҳид ҳаддан ортиқ кўп бўлди,  
Камолот вароги риёга тўлди.  
Зухду тақво эди инсонлик фахри,  
Нодонлар дастидан шарм ила сўлди.

Бедил, бу уриниш то абад нима,  
 Бу ҳавасда айт-чи хубу бад нима?  
 Қидириб-қидириб кетдилар кўплар  
 Ҳеч кимга маълуммас ки мақсад нима?

Бу қавмки, бўлмиш мадрасага жам,  
 Биласанми қайдан бўлмиш мукаррам.  
 Эгар-тўқим лозим эшаклик учун,  
 Шуларни топмасдан бўлмишлар одам.

Агар қиёматга етолса йўлим,  
 Кўрадим жаннатнинг гулларин сўлим.  
 Дўзах оташининг бутун ёлқини  
 Аразирди бир бора чекмакка чилим.

Мардум аро кибру ҳасад кўп экан,  
 Билмоқ керак барин ким ҳадя этган.  
 Шайтон мурда эди, эътиқод аҳли  
 Шам ёқиб мозорин этдилар равшан.

Ибрат боғи жисми узра эрталаб  
 Очилмишди мотам гуллари юзлаб.  
 Аммо бу табассум ё ёқа йиртиш  
 Эканин сўрашга ҳеч ким очмас лаб.

Бошимга тош тегди, оёғимда хор,  
 Юрак хун бўлди-ю лабларимда зор.  
 Ҳайҳот, қайга борай, нималар қиласай?  
 Сендан узокда мен охир бўлдим хор.

Ишимиз ибрати раҳнамо қачон?  
 Дил нечун беҳуда уринар ҳарён?  
 Юринг, қайга элтар нафас мазҳаби,  
 Бу силсила қайда топажак поён?

Самимий сўзламоқ бўлди Бой бирпас,  
 Дарвешликсиз кам-кўст ҳеч тўлиқ бўлмас.  
 Қорин тўлаликтан келур кекирик,  
 Меъда бўшаганда бир текис нафас.

Нафас хун бўлди-ю, лабда йўқ фарёд,  
 Муродга етмади бу дили ношод.  
 Умр мавҳум ўтди фаромушликда,  
 Ҳатто ўзимизни очолмай кушод.

Бедил рубоиётин санъати бордир,  
 Ҳақу ноҳақ жаҳоннинг сурати бордир.  
 Баъзан қасру ҳурларга бўлур оина,  
 Баъзан кишан, занжирда ҳолати бордир.

На ёмонлик күрдинг май, рубобдан, Бедил,  
 Тавба нечун истадинг меҳробдан, Бедил.  
 Раҳматимдан юмисан умид кўзини,  
 Кўрқибсан-да, гуноҳу азобдан, Бедил.

Баланд-пастлар қўшилиб қолсалар агар,  
 Паст табиати ғолиб келар ҳар сафар.  
 Тоза сув тиндиромас лойқа сувни ҳеч,  
 Лойқа сув тинигни зумда лойқатар.

Кўп ўйин кўргазар бу чарх биноси,  
 Алвон-алвон издир чаманороси.  
 Гоҳ ёшлиқ, йигитлик, гоҳи қарилик...  
 Умр ўтару бордир хўп томошоси.

Баъзилар келишар деб илму ҳұнар,  
 Баъзилар келишар истаб симу зар.  
 Хаёл қасри ичра ҳавас нарвонин  
 Қай поясидалар, шунча олишар.

Баъзилар хаёлда толиби жаиннат,  
 Буқун ҳалок этар эртанги ишрат.  
 Табиатларида тамиз бўлмагач,  
 Бежо хаёлларга асир, беуят.

Баски дилим сенинг хаёлингга банд,  
Ғам қаноти солмиш соясин ҳарчанд.  
Үлгач, түзгип кетса ҳамки, киприклар  
Сендан умид узмас чанг бўлса гарчанд.

Борликнинг таҳлили нақд назар бўлур,  
Шубҳа вайрону ҳақ муқаррар бўлур.  
Али бундай қилди, Бубакр бундай...  
Булар дин, афсона эртаклар бўлур.

Дунё ибратидан дилда ғам бунёд,  
Кошки бўлолсак бу ҳасратдан озод.  
Үлдик ҳеч қулоққа етмай охимиз.  
Фарёд, бу бедаво гашликдан фарёд.

Бир инсонман, дилим тинмас тепишдан,  
Қондаги орзу деб тинмам чопишдан.  
Шам каби бир жойда турганимда ҳам,  
Йўлим или аниқ менга кўп йишдан.

Гар сатру сўз билан китоб хуш келур,  
Ҳарифлар деса: «гул», «шароб», хуш келур.  
Бодасиз не фойда фаромушликдан,  
Афсона уйқуда савоб, хуш келур.


Сахийлик лофини урар бадавлат,  
Шайх раҳнамоликни қиласар қироат.  
Бу боғ ичра бизлар бесамар гулмиз,  
Биздан талаб айлар хушбўйлик фақат.

Ибрат кўзи бирла кўриб зебони,  
Хунук нуқсон, камол, лафзу маънони,  
Ғам асири кўриб марду донони,  
«Малъун» деб кетишиди ушбу дунёни.

Билки, тузалмоқчи бўлса ҳам олчоқ,  
Макруҳлиги асти бўлмагай адoқ.  
Ғусул, таҳоратдан унга не фойда,  
Ит ҳўл бўлса тани яна ифлосроқ.

Бедилнинг бўлса ҳам кўз ёши равон,  
Ҳар қадамига дил-жигари қурбон.  
Аlam moyasidir ҳар бир жудолик,  
Видо оҳангини жон сақлагай, жон.

Сенингсиз Бедилнинг надомати бор,  
Елғиз бўлса ҳамки қаноати бор.  
Ундей ҳосилдан ҳеч юборма ё раб,  
Донасида зарра гар миннати бор.





Камол ахли кетди, қадрдон йиглар,  
 Єд этиб файзларин бул замон йиглар.  
 Сухандонлар кетди, аммо сўзларин  
 Мағзин чақиб қалам қора қон йиглар.

Қай дил сезар ожиз тоқат навосин,  
 Қай ҳуш босар эртак-ибрат ҳавосин.  
 Кимга етар поймол қумурсқа доди,  
 Муруват қўлидан топар давосин.

Баъзилар бенишон юртдан жар солди,  
 «Қайга?» «Қачон?» «Мен...», «Сен...» деб,  
 шошиб қолди.  
 Охири билдики, кетар йўқликка,  
 Уятдан кафанга беркиниб олди.

Аlam каби босмишлар оқ соchlар бошда,  
 Улим сели бошимдан ошгудек қошда.  
 Эй нодон, иссиқ жонга умид боғлама,  
 Тафт бўларми кулдек қор босган оташда.

Фазлингдан ўзингта наф тегмаса агар,  
 Тиришганинг билан ҳеч қилмагай асар.  
 Кўзларинг оч қаттароқ, ҳар томон ибрат,  
 Илдиздан чиқади-ку ҳар қандай самар.

Не келтирап бўлса сенга хижолат,  
 Ҳеч нарса қолдирма гар ўлим қисмат.  
 Агар пок, мард бўлсанг бола-чақангта  
 Мол-дунё қолдирма, қолдиргил исмат.

Бунда тикансиз гул топилмас зинхор,  
 Ишрат хаёлида чекма кўп озор.  
 Машақцатсиз бўлмас мардум ороми,  
 Бу ганж муҳрида, бил афъи илон бор.

Бу ичи қаролар бариси бир тан,  
 Ўлдилар наф кўрмай дилдаги нурдан.  
 Кафан ичра ётар гўё қурбондек,  
 Лекин фарқи йўқ кул босган кўмирдан.

Бир хил бўлур имдод, ҳақнинг зухури  
 Турлича тушунар одам шуури.  
 Ёқуту биллурда ранг истеъоди,  
 Қуёш чашмасидан барисин нури.

Кимнинг дили топса оромдан хабар,  
 Киши суҳбатидан айлагай ҳазар.  
 Нафас тинмай кўнгил роҳати душвор,  
 Ип ўтсин деб кўксин тешдилар гавҳар.

Бедил сирли шеърин ўқи, яхши бок,  
«Бекорчи нукта кўп жуда йилтироқ»,  
Деб мени айлама, олий бир вужуд  
Инсонда ҳам бордир ҳиссиз мўй, тирнок.

Инсон яралганда лаб, киприк пайдо,—  
Қилиб, сўз, кўз йўлин ёнибди қазо.  
Заруратсиз очма кўзни ё лабни,  
Буниси дил ваҳми, у бошга бало.

Ҳар ким ўз ризқини теришга тайёр,  
Итга ит, харга хар бўлмас хизматкор.  
Бу уят иш фақат одамларга хос,  
Бор имкондан қилмиш шуни ихтиёр.

Ўз лойидан охир бўлсалар мулзам,  
Ракиб давосидан ўзга қалқон кам.  
Ҳарифи қаноти остига бошин  
Яшияр жангда лат еган хўроз ҳам.

Зоҳид, жаннат, ризвон савдосини қўй,  
Куфр таънасин, имон даъвосини қўй.  
Халққа эҳсон айла, худо назарда,  
Мажхул тоат-шайтон гавгосини қўй.

Бир табиб ёнига келиб бир инсон,  
Демиши: «Қорним қур-қур қиласы чунон.  
Хазм бўлмайди ҳеч еган овқатим».  
Деди: «Хазм қилиб, сўнг е-да, нодон».

Кўз ёшим ҳам кетди ожизлик сари,  
Ҳеч жойга етмади томчилар бари.  
Ипдан нари йўл йўқ тасбех донага,  
Ашким чиқолмади киприкдан нари.

Букун викор аҳли беҳаё, бадкор,  
Таъбиди қолмади иомусдан осор.  
Шахмат тахтасидек ҳар тараф боқсанг,  
Юз хона бор, бари бедару девор.

Ўзгарувчан олам, бунда кўп найранг,  
Шавкатингдан билма баҳтиргни башибанг.  
Бунда насту баланд тафовути йўқ,  
Оёқ остдаи чиқиб, бошга қўнар чанг.

Қилдим кўп имтиҳон, қарз ола кўрма,  
Берсалар сенга жон, қарз ола кўрма.  
Қарз адоси маҳол, очдан ўлсанг ўл,  
Одамлардан бир ион қарз ола кўрма.

Бедил, сол шикаста созингга қулок,  
 Ҳамда бекас дилинг томирин ушлаб боқ:  
 Бунда йиқилғанлар бисёру бисёр,  
 Узингга раҳм айла, қўлинг тут ҳар чоқ.

Воиз, афсун билан дилга берма тоб,  
 Тоза майга бекор қўщма намакоб.  
 Мижозим тузалмас совуқ дамингдан,  
 Иссик шишага сен урма совуқ об.

Афсус, жаҳон ўзи моясиз бул күн,  
 Қарам пойдевори поясиз бул кун.  
 Ҳиммат ҳам пастлика қараб созланган,  
 Барчанинг девори соясиз бул кун.

Охир маҳв бўлурмиз, олам фусунсоз,  
 Оқ соchlарда қолмас раънолигу ноз.  
 Оташ ибратгоҳи кул эмасми, кул,  
 Қанот сингач ерга кўмилур парвоз.

Эй қаср аҳли, кулба аҳлидан кулма,  
 Бахтинг ёш, чолларни масхара қилма.  
 Фиръави нима кўрди охир Исодан,  
 Эй бой, йўқсулларни нотавон билма.

Үчмишдир мадраса чироги бул кун,  
 Қайнар bemət̄niliк булоги бул кун.  
 Беҳислик эшигин қоқмоқда мулло,  
 Кўп баланд нодонлик думоги бул кун.

Дилим чаман ичра хуррамдир бул кун.  
 Жаннат акси кўзга малҳамдир бул кун.  
 Бизнинг кошонага дилдор келадур,  
 Байрам, қара, қандай байрамдир бул қун.

Токайгача бу ҳире ўтида ёнмок,  
 Жонинг таҳликада, сен молга иноқ.  
 Пилигу хашакнинг ҳақиқатин кўр,  
 Икков ҳам оғочсиз ёнолмас узок.

Мен кетдим, даврада даврон жом ҳануз,  
 Башларда ҳаво-ю ҳавас хом ҳануз.  
 Қулокда тош теккан шишам жарангি,  
 Утган ҳаётимдан бўш пайгом ҳануз.

Нотавон губормен мисоли нафас,  
 Фақат лофга бормен мисоли нафас.  
 Баду нек заҳмати яғринимда юқ,  
 Ситамдан абгормен мисоли нафас.

Ишқу ҳавас водийсининг тунида, Бедил,  
 Ҳар кимсанинг шан мақсуди бирар бир манзил.  
 Маъзур тутинг менинг йўлим сўз йўли бўлди,  
 Умрим ундан яхшироққа бўлмади мойил.

Киши то тамиздан ажралмаса гар,  
 Тилло-кумуш кайфи унга бесар.  
 Одамзод ҳамма вакт қўйганда хино,  
 Беҳис тирноқларга яхшироқ юқар.

Осмон худди найрангбознинг қўлида қафас,  
 Фақат ғофил қилур ундан тўғрилик ҳавас.  
 Афсун ила тўлиқ нақши-паргор чизиги,  
 Қай бўлагин олиб боқма эгриликдур бас.

Бу ноз оламидур, бунда ҳар бир кас  
 Бошқани тушунмас, ўзни билса бас.  
 Анқо маъносига етмайди чибин,  
 Анқо ҳам пашшага ҳеч яқинлашмас.

Байрам келиб, баҳор гул очди қат-қат,  
 Ишқу ҳавас билан қайнар табиат.  
 Қай тарафга кўзим очиб боқмайин,  
 Айланишар сенинг бошингдан фақат.

Эй ақлим құли, сүз деб бало ёзма,  
 Ҳақиқатсиз бирор бир наво ёзма.  
 Агар ҳақшунослик бўлса таъбингда,  
 Ёрқин қуёш иомин қоп-қора ёзма.

Эй жақолат бандаси, турмуши ғафлат,  
 Камолотдан кўп узоқ ва иокис фитрат.  
 Бир умр бокийликдан бемаъни баҳсинг,  
 Насабномангни энди қилма қироат.

Майда ташвишдан кеч, бўлсанг баркамол,  
 Ақл салладамас, бу фикрдан қол.  
 Одамликдан бир мўй бўлса кифоят,  
 Айиқдек бош-оёқ бўлмагил соқол.

Эътибор оламида шоҳми ё дарвеш,  
 Ишлари эҳтиётлик деворин қуриш.  
 Тадбирсизлар доимо офатга нишон,  
 Тошга бош ураг кимда бўлмаса эс-ҳуш.

Сирлар оламида дарвеш, бадавлат,  
 Қидирмоқчи бўлди қайда ҳақиқат,  
 Неча вакт ёлқиндек қанот қоқди-ю,  
 Кул бўлиб нафаси ўчди оқибат.

Үзинг-чун май хумидек қайна ҳамиша,  
Үзгаларга хомушлик айлагил пеша.  
Зарар күрмайин десанг баду нек сүздан,  
Кулоқда тиқиили бўл мисоли шиша.

Мени дод айлади борлиқ дард ғаши,  
Умр иссиқ-совуғин айқаш-уйқаши.  
Субҳи азал чекдим танг дилдан бир оҳ,  
Ҳануз ўчмас ўшал оҳим оташи.

Эй ҳаёт мазмунини излаган одам,  
Ҳар бир китоб сатрин дилга айлама малҳам.  
Бедил «Рубоийёт»ин сайд эт, топурсан  
Дарду ибрат, тасаввуф, умр тадқиқин ҳам.

Ҳинд марказида то хатти Мултон,  
Ҳам Ирокдан тортиб то Язду Кошон,  
Қай бир шаҳарни ки, кўриб ўтмадим,  
Аввал кўз кўргани — қаро гўристон.

Шоҳми, дарвешми бу жаҳон ахбоби,  
Ҳар бирин орзуси — кўнгил сароби.  
Искандар истади оби ҳаёт, лек  
Топгани оина ва чашма оби.

Шоху дарвеш тўлик бу зери осмон,  
 Бир ёқда бойлигу фақирлик бир ён.  
 Қанчалик баландга кўтарили масин,  
 У қасрда бўлмас иккита нарвон.

Юз шукрки, турли дину турлича миллат —  
 Одамлари учраганда кўрсатдим ҳурмат.  
 Соя каби ҳар тарафга бўлсам-да равон,  
 Йўл озиғим кишиларга бўлди муҳаббат.

Ул нусхаки, бошдан-оёқ шурмаъно,  
 Ҳар хатда нуқталар бирлиги пайдо.  
 Кўпчилик бирлашиб азим ҳалқ бўлур,  
 Денгизда саноқсиз томчи муҳайё.

Уз билимсизлигин билсин, деб оллоҳ,  
 Юз ҳунарга дилинг айлади ҳамроҳ.  
 Игна каби юз хил кийимдан ўтсанг,  
 Яланғочлигингдан бўлурсан огоҳ.

Эй ақл, жаҳлга сен боб бўлмагил,  
 Мол-дунё йигишга асбоб бўлмагил.  
 Илдизинг булутдан сероб чоғида,  
 Сув марказига интил, ҳубоб бўлмагил.

Золим устидаги шоҳи, баҳмали  
 Беркита олмайди татьби дағалин.  
 Синовдан жуда кўп ўтганки шамшир  
 Уста қўлин кесар сайқал маҳали.

Сургалмоқ бўларкан қай ишга йўлдош,  
 Тартибга солажак сабр ила бардош.  
 Бино қуриш фикри гул очар экан,  
 Меъмор қалбин босар аввалги зил том.

Шоҳликдан, бойлиқдан айлама сўрок,  
 Дунё машмашаси қалбидан булоқ.  
 То бошдан кулоҳин учирмаса ел,  
 Шамдек оташ ичра ул бошдан-оёқ.

Бедил, ваҳшатнок дил сочмоқда шаар,  
 Саргузаштим айтсам денгизга агар,  
 Балиқлар танаси чўғдек қизигай,  
 Тангаси ўт тушган қоғоздек ёнар.

Эй олам ҳолидан бехабар одам,  
 Баланд мартабангдан керилма ҳар одам.  
 Бошинг узра соя солган бу девор,  
 Эртага тоиталиб топади барҳам.

Ақл мушти ичра калит бор, бирок  
 Үз мушкулларин у ечмоқдин йироқ.  
 Ҳайронлик енгади бунда тадбирни,  
 Үз бармоқ тугунии ечолмас тирноқ.

Баъзилар бу дунёда ўзидан масрур,  
 Таъби ҳавасидан рози-ю мағрур.  
 Бекор кўттармадик биз ҳам бошимиз,  
 Фахримиз мояси биздан узокдур.

То чарх айланмоққа бермаса барҳам,  
 Таъсири тўхталиб қолмағай бир дам.  
 Жим ётган тошлар ҳам айланур лаълга,  
 Доим ишдадур тинч кўринган тош ҳам.

Бирорга бир нарса айласаңг эҳсон,  
 Номини тилингга олмагил осон.  
 Ул нарсанинг номин тилингга олсанг,  
 Инъомингни қайтиб олгандан ёмон.

Бедил, бандаликда ўйна басма-бас,  
 Кишиларга қайиш то сўнгги нафас.  
 Табиатингда бу ожизлик билан,  
 Худо бўлолмайсан, Одам бўлсанг бас.

Бедил, гум бўлганмен пайдолигимдан,  
Куйганиман жунуну шайдолигимдан.  
Демаким оҳ-нолам яктолигимдан.  
Инглайдурман ҳамон танҳолигимдан.

Яхши кийим-бошинг қилма писанда,  
Бўлма фақат томоқ, қоринга банда.  
Сенга ўқталмасин барча бармоғи,  
Зулм-ку бу шухрат, бўлма шарманда.

Мард касбу корига бўлса ахлоқ ёр,  
Қиндан тиф чиқармоқ унинг учун ор.  
Табассум билан иш топса саранжом,  
Тириштира кўрма пешонанг зинҳор.

Чанг кўтарган-чун ер босилиб ётар,  
Уят, гар димогинг осмонга етар.  
Таъбинг қабул этмас хаёлда борин,  
Бу пуч хаёлда на ҳалво, на шакар.

Кимдаки дағал феъл бўлмиш намоён,  
Билимдон бўлса ҳам, нафратта нишон.  
Олами забт этар гўзаллик, билсанг,  
Ахлоқий ҳусидир, шуни де ҳар он.

Умринг тўла ҳарён гараз найранги,  
Яхши, ёмони ҳам шу гараз жангиги.

«Куфру дин» деган сўз маъносин чақсанг,  
Барча созин куйи гараз оҳангиги.

Бедил, бу не ҳарфлару не нуқта изи,  
Мутлак маъни бўлмаса, чирик илдизи.  
«У-бу» деб ўйлайвериш дилинг тирнайди,  
Хатосиз бўлмас экан ҳеч варақ юзи.

Хумор тонги шароб неъматидан шод,  
Зоҳид таяммуму таҳоратдан шод.  
Баъзилар изланиш завқидан хурсанд,  
Бедил орзулари горатидан шод.

Бедил, қара, қанчалик куйган бу жон мисли шам,  
Куймак шавқида қанот қоқдим ҳар ён мисли шам.  
Бунда ўзимни кўриб, тинмай ёш оқизмокқа  
Устихон ичра кўзим бўлмиш пинхон мисли шам.

Ким бўлса ҳасадчи, юраги қаро,  
Кўрмас яхшиларга яхшилик раво.  
Хумо ҳолини танг кўрмоқ қасдида  
Қарға устихонни кўмар хок аро.

Дайру қаъба қайда деб буида ҳалок  
 Баъзилар жонидан кечишар бебок.  
 Ҳар ким пайдо қилди чидам бойлигин,  
 Бошин тошга уриб, охир бўлди хок.

Бедил, имкон боғидан истама роҳат,  
 Сарву сумон оёғи лойда омонат.  
 Ҳам лоласи қўлида хун тўла қадаҳ,  
 Ҳам гунчаси бағрида алами қат-қат.

Ул бадмаст санамнинг ишқида кўнгил,  
 Ғамин кўтаролмай бўлди-ку чил-чил.  
 Бир умр ўлтиридик вафо базмида,  
 Унинг қўлида жом, бизникида дил.

Янги ойни томдан қилай истиқбол,  
 Деб томга чиқди ул баҳори иқбол.  
 Ҳусни тобонидан шарманда бўлиб,  
 Күёш ботиб кетди, ҳам бўлди ҳилол.

Дунё айшин малоли бордур бағрида,  
 Шўхликнинг бир ишқоли бордур бағрида.  
 Бўлма ғофил хино ранг ҳақиқатидан,  
 Бул оташнинг зўғоли<sup>1</sup> бордур бағрида.

<sup>1</sup> Кўмир.

Мансаб, бойлик ғамига тұлиб-тошса дил,  
 Фақир нотавонларга хизматда бүлгил.  
 Сенға қиммат бүлған у дурри ятим  
 Құм ила бир ётар, кезиб бок соҳил.

Умр ўтган жойимиз қаъба, бутхона,  
 Баъзан обод шаҳар, баъзан вайронা.  
 Жиннилиқ тугайди киприк юмилгач,  
 Ахир минг гажакка урдик бир шона.

Гоҳ кумуш-тилло деб, илтижо овоз,  
 Гоҳи гул, шароб деб ҳавасга пардоз.  
 Тупроқдан чиқиб, то тупроқ бүлгүича  
 Тупроқда юз найранг қиласыз оғоз.

Мактабда юз сабоқ биз гоҳо күрдик,  
 Ҳам яхши-ёмону банд зебо күрдик.  
 Охир ҳайрат қилди саводии равшан,  
 «Оина» ёздик-да, томоша күрдик.

Майнастлар сирига махрам бүлганим замон,  
 Куфру дин занжиридан озод бўлдим мен осон.  
 Идиш рангин олувчи майдек бўлдим ялангоч,  
 Ҳамсухбатларга мойил, майли яхшими, ёмон.

Ҳавас ҳам байзиде аттангдан чиқмас,  
 Барча оина ҳам чанг, зангдан чиқмас.  
 Ҳар дил ишқ кайфидан хабар беролмас,  
 Бундай шуъла ҳечам харсангдан чиқмас.

Гуллаб турган бөг ҳам ер ҳазон ғамин,  
 Шам нур соча тортар күймоқ аламин.  
 Эътибор гулшани оғатсиз эмас,  
 Бедил, яша күрмай ҳеч ўлим дамин.

Гарчи акл билан минг маҳфил равшан,  
 Комил савод топмоқ кўп мушкул, равшан.  
 Ишқ ёлқини агар бўлса манқалда,  
 Минг кўзни қиласадир битта дил равшан.

Қўлингдан чиқса ҳам неъмату матлаб,  
 Хасисдек дод солма, саҳоват тилаб.  
 Бу қавмда кумуш зар бўла туриб,  
 Дод, ҳасрат ила жон бермоги ажаб.

Токай бу олам ё илоҳи ғами,  
 Қачонгача оқу қора алами.  
 Қай рангда бўлса ҳам хушвақт бўл бул кун,  
 Эй борлик-йўқликнинг гумроҳ одами.

Токай чопиши, эй шүри қиёмат, ўтири,  
 Качон тинасан, бир дам эт роҳат, ўтири,  
 Оёгингга санчилган тикан дейдики,  
 «Эй беҳуда ҳаракат, бир соат ўтири».

Токай париционлик суради қалом,  
 Ҳавас дарсимиизга жавоб нотамом.  
 Дониш лофи ғафлат оромин бузди,  
 Сафсата уйқумиз айлади ҳаром.

Хулосасиз мендан асло сўз очма,  
 Шикоят туморим ўзгага ечма.  
 Номим кўтарилисин ёдингдан, майли,  
 Ед этиб, бош оғриқ уругин сочма.

Эй тез пишар мева, бир дам эскирма,  
 Янгиланиш ўзи қарам, эскирма.  
 Яшиаб турган боғсан, тиканзор эмас,  
 Эй сен, янги маъно, ҳечам эскирма.

Создан овоз чиқмас тегмаса мизроб,  
 Иига дур тегилмас берилмаса тоб.  
 Фонус ё шам бўлмоқ эмасдур осон,  
 Конга айланмайин ёқут бўлмас об.

Дарё суви боши асли жўйи<sup>1</sup> дил,  
Саҳро губорининг жойи куий дил.  
Бу тўнган қон қачон ҳушга киради,  
Хатто Бедилдан ҳам келур бўйи дил.

Ҳар ўрмоннинг бўлса ўз арслони,  
Ўз наҳанги мақон этса дарёни.  
Таслим бўлган бошда қилич ўйнатма,  
Эгилган камоннинг бор тир-паррони.

То киши лаълидек дилхун бўлмагай,  
Вафо мулкида нархи афзун бўлмагай.  
Табиатда ҳар тош ёқут бўлолмас,  
Ҳар қатра сув дурри макнун бўлмагай.

Бадавлатдан умид қилмагил осон,  
Катталикдан ўзга либоси гумдон.  
Булардан химоя орзуси пучдир,  
Соя бермас томи кўк ўпар айвон.

Ўзгалар ҳақида ёмон сўз сўзлаши,  
Ҳасад жиловини тутмокни кўзлаши.  
Оғзингта тош сенинг, эй оташзабон,  
Бенаво уйига ташлама оташ.

<sup>1</sup> Ариқча.

Иншо ҳавас қылма оё пуч одам,  
 Гоҳ мирзо бўлсанг, гоҳ султони аъзам.  
 Бир зумлик умрингда қолма уятга,  
 Эрта не бўлурсан, шу бўл бугун ҳам.

Сабабсиз фирокдасен, висол кун аксар,  
 Маъно кайфидан йироқ, қўлингда согар.  
 Ҳам қуёш ҳақиқату ҳам ҳок зарраси,  
 Маъзур тутайлик кўзинг кўр бўлса агар.

Жунуним созию учқур ҳайъатим<sup>1</sup>,  
 Ошуфта айлади олти жиҳатим.  
 Оташ кўрган мўйдан қилсин қаламин  
 Рассом агар чизмоқ бўлса суратим.

Эй ашким, дўст кўчасига топа бил йўл,  
 Эй кўз, нигоҳ ташласанг-чи, ҳасратинг мўл.  
 Алиф қомат эсга тушса, сийнам оҳи,  
 Сен ҳам тикка чиқиб кўкка, алифдек бўл.

<sup>1</sup> Киши фолини мунажжимлар айтиб берадиган юлдузлар туркуми.

Кече йўлда кўрдим кўзгу парчаси фаанг,  
 Ишқ дардида чил-чил ойнинг акси бу, аттанг.  
 Унинг наво пардасидан чиқадир овоз,  
 «Эй худбинлар, мен томонга бир бора қаранг!»

Мард бўлсанг, ваҳима йўлини қувма,  
 Кўзгудаги гулнинг исини туйма.  
 Бунда қанча эртак жам бўлиб ётур,  
 Кўринмаган сувга қўлингни ювма.

Бу мукофот мулкин паст-баланди бор,  
 Тажриба қилмишлар домолар бисёр.  
 Дерлар қудрат чоғинг ҳеч кимга зулм —  
 Қилма, заифликда кўрмайсан озор.

Кўлдан кетганинки қайтармоқ осон —  
 Эмас экан, чекма дўст миннатин, жон.  
 Адолат чидами камайганда ҳам  
 Зинҳор қабул этма бирордан эҳсон.

Бедил, оламда бор яхши, ёмои деб,  
 Миллату мазҳабдан тилга берма зеб.  
 То қиёмат маълум бўлиб туради  
 Тухминг шунда ўсиб, тошганинг тартиб.

Ожизни эзмоқقا золими ирkit  
 Қонли либос кияр бир қонхүр тахлит.  
 Топп юракка даҳшат бўлсин шиоринг,  
 Қизиган темирни темир-ла ирғит.

Турар жойинг Совий ва ёки Ганжа,  
 Таваккалдан берма ўзингга ранжа.  
 Панд ема, сабабсиз бўлмагай ҳеч иш,  
 Тирноқсиз бир тугун ечолмас панжа.

Эй хожа, таскин топ дил бўлса ношод,  
 Ўз ор-номусингдан сўрагил имдод.  
 Ходимингдан ўтган бўлса хатолик,  
 Собиқ хизматларин ёд айлагил, ёд.

Бедил, ёвга камтар, бенишон бўлма,  
 Ўқ-найза бўлмасанг ҳам, камон бўлма.  
 Ожизларни топташ бу олам иши,  
 Бу майдонда зинҳор нотавон бўлма!

Шайх бўлсанг ҳеч кимга сен ҳукм қилма,  
 Одоб сарриштасин асло гум қилма.  
 Ҳалқ ҳузурига бор тўғри ва ҳалол,  
 Терс борма, соқолни мисли дум қилма.

Эй, төгсабот, лоф сўз, беймон бўлма,  
Хотиржам қил кўнглинг, паришон бўлма.  
Ақлинг етганича билиб олавер,  
Фахминг нуқсонидан иушаймон бўлма.

Ишқнинг имтиҳони афсундир, афсун,  
Телбалик губорин таратар Мажнун.  
Кулда ўт яллиғи сезилмас, аммо,  
Сув урсанг уидан ҳам чиқадир тутун.

Борликнинг бунёди бемадор нафас,  
Ҳаёт кўринсада эътибор нафас.  
Саҳар шабодасин шамолга ёссанг,  
Бу китобга ҳам иш, ҳамда тор нафас.

Токай қизитайин бозори ҳасрат,  
Токай афсона-ю озори ҳасрат?!  
Кошкийди бу ғамдан сув бўлолсам, сув,  
Пойингта тўкилса не бори ҳасрат.

Ҳамкорлик топмади фалак, осмондан,  
Либос киёлмадим амну омондан.  
Эй дон, сен рози бўл, қутулолмайсан —  
Ун бўлиб янчилмай бул тегирмондан.

Мажнун ишқда күймиш аввалида ҳам,  
Сози куяр нола-нағма қылган дам.  
Ишқ лофини уриб яшамоқ хато,  
Қанот куйса, учиш куядир боҳам.

Оёқларинг нақши икки кўзимиз,  
Келишингта муштоқ бунда ўзимиз.  
Кўзимиздан кетдинг мисоли нигоҳ,  
Аммо бўшамади сендан кўзимиз.

Ишқ йўлига кирса оқилу мажнун,  
Бутхона, мачитда чалишар конун<sup>1</sup>.  
У дунёда шинҳон ишқ ва улуглик,  
Бунда ҳатто тошдан чикарап учқун.

Эзилган ҳар тупроқ сирлар макони,  
Тўзғатиб тушган ҳар пат учиш баёни.  
Боғ қизил, саригин инкор этмагил,  
Ҳар баргу ҳар кўкат рангу ноз кони.

Ғазабдан огоҳлик ўтмасдир сенда,  
Адоватдан ростлик бутмасдир сенда.  
Қилмишинг ўзингта келтирас бало,  
Сўзингдан хунуклик кетмасдир сенда.

<sup>1</sup> конуи — чолғу асбоби.

Ориф заҳмат тортиб юрмас қарасанг;  
 «Бу не жилвасозу, унда қандай ранг?»  
 Ҳар дараҳт меваси, ҳар гул ранги бор,  
 Ҳаёт нималигин агарда билсанг.

Молдорларга қара фикрлари хом,  
 Кибру гуурлари ўзларига дом.  
 Бундай тошбагирлар узук кўзига  
 Манглай ажинадек ёздирибди ном.

Мумсик иону сувин тергайди тежаб,  
 Аммо ошиёни бузилар ажаб.  
 Кўзларин ёғ босиб, юмилса майли,  
 Тўймайди тўплаган молига қараб.

Май косаси эмас, чашми фаттонинг,  
 Май сенинг нигоҳинг, оби-ҳайвонинг.  
 Майхона эшигу, девору хуми —  
 Кипригинг сояси, қора мужгонинг.

Зоҳид майхонадан истаб ҳақиқат,  
 Ташибидан ҳам кечди, қолди май факат.  
 Сақолу ёлу дум, саллани демас,  
 Охир инсон бўлди бу эшаксифат.

Бул кун насими дилдорим келур,  
 Бўйи гули кўп интизорим келур,  
 Вактида олайин жилвасидан раиг,  
 Кўзгудек кўрсатай, баҳорим келур.

Бедил, бунда шоир-суҳандон кўпдир,  
 Биз каму бегона ишоён кўпдир.  
 Биздан эшигтилу, биздан ибрат ол,  
 Маддоҳлик гурури минг чандон кўпдир.

Ваҳм мажлисида йўқдир маъноси,  
 Кимнинг кўнглида гар илм даъвоси.  
 Маст девона урди кўзасин тошга,  
 Бошда ҳам қолмади шароб савдоси.

Сўз лутфин туёлмас ҳар қандай қулок,  
 Дилемдан ўтказай сезсин ёр шу чоқ,  
 Булбулдек нолам бир гулга аталган,  
 Аммо уни тинглар боғ бошдан-оёқ.

Бир бирга иттифоқ бўлса гар йўлдош,  
 Адашмай боришар мағрур тутиб бош.  
 Кайди иттифоқлик тоғадир завол,  
 Теп-текис йўлда ҳам пайдо бўлур тош.

Химмат камарини боғласа фақир,  
Юз айбу, нафс итин боғлагай занжир.  
Ман-манлик эшиггин беркитар эхсон,  
Бахил табиати бўлади дилгир.

Муҳаббат ўрнини босса гар шаҳват,  
Ҳавасга айланса гар ишқий сухбат,  
Минг ҳайфдир хашакка интилса оташ,  
Жаҳон бойлигидан не олур ҳиммат.

То сўз қолипига тушгунча мазмун,  
Уни ўйлайвериб дилинг бўлур хун.  
Дилга тугун солар юзлаб сакталик  
То нола мисраъси бўлгунча мавзун.

Инсон ҳаёлидан йигламайдими?!  
Юксак камолидан йигламайдими?!  
Гардун бир дам кўрса ўзин тупроқда,  
Айтинг, бу ҳолидан йигламайдими?!

Бунда ҳақиқатдан нишон кўрмайсан,  
Ишқда ҳавас, шавқни осон кўрмайсан.  
Тупроқ ойна эмас, қанча нур сочма,  
Соя кўрасену инсон кўрмайсан.

Бедилнинг на кулфат, на ранжи бордир,  
Хурсандлик таъбида гул, чанги бордир.  
Эрта сахар барбод этсалар хокин,  
Хусни ҳангомасин нимранги бордир.

Ким ўз мақтоваида очар экан лаб,  
Кўзларим кўрсатар бизга сурмалаб.  
Букун оёғимиз остидаги қум  
Кечак оғизларда хўп чайналган гап.

Мазах, вақиллашдан тоқ бўлсин юрак,  
Хар сўзинг арзанда бўлмоги керак.  
Одоб бисотимас масхарабозлик,  
Хар гал оғзинг очсанг кулги бўлажак.

Фуқародан хабар олмас бой олчоқ,  
Кибридан кўзига кўринмас оёқ,  
Ғурурдан шунчалар кўтарар бошин,  
Ҳадемай бўйнидан ҳам кетар узок.

Кишилар юмганми кўнгил кўзини,  
Киприклар очигу тўймас ўзини.  
Кўп ҳақ гап айтилди, Бедил ҳам айтди,  
Лек тушунмадилар унинг сўзини.


Сўз айтмоқца оғзин очса гар ёр,  
 Масих нафасида ажойиб бўй бор.  
 Қалампир мунчоқдир ё мушки Хўтан,  
 Е атр уфурмиши райҳону гулзор.

Мазорим уятли, бенарво ўтма,  
 Нечук ҳалок бўлдим, бенаво ўтма.  
 Хижолатдан терлаб ўтди бор умрим,  
 Мард бўлсанг хокимдан мосуво ўтма.

## ИЗОҲЛАР

Муҳтарам китобхон, Сиз Бедил рубоийларидан ўзбек тилига қилинган таржималар билан яна бир бор танишдингиз. Китобнинг охирги саҳифаларини варактаб, бу мўъжизбаён шоир шеърларидағи теран фикр ва олий бадииёт лаззатидан баҳраманд бўлдингиз. Шу билан бирга шоир рубоийларидағи ранго-ранг мазмун ҳамда бир-бирига зид ҳиссиётлар сизни ҳайратга солган бўлиши мумкин. Гоҳо бу инсонни барча мавжудотдан юқори тутиб, унинг олий мартабаси ҳақида, чексиз ақлий қудрати ҳақида гапирса, гоҳо дунёдагиadolatcizlik, разолат ва қабоҳат ҳақида гапириб, улар олдида инсоннинг ожизлиги тўғрисида қалам суради; гоҳо ишқ ҳаяжони ва муҳаббат лаззати ҳисларини ошкор этса, гоҳида мўйсафидлик даври, таназзул азобидан шикоят қиласди; бир рубоийда у Исо ва Мусо ҳақидаги қиссаларни афсона ҳисобласа, бошқасида ваҳдати вужуд ақидаларига суюниб, нури илоҳийни улуғлайди. Хуллас, шоир ижодидаги бундай ихтилофлар, қарама-қаршиликлардан ҳайратланиш мумкин, албатта. Бунинг сабаби Бедил дунёқарашининг тадрижий тараққиётида эканлиги, рубоийлар эса ярим асрдан ортиқ давр ичидаги шоирнинг турли вақт, турли кайфиятларини ифода этиб ёзилганилигидан далолат қиласди.

Бедил аксар рубоийларини лирик жанрда турли вақтларда ўзининг турли фикру ҳиссиётини ифодалаб, ижод этганлиги шак-шубҳасиз. Аммо унинг рубоийлари тўпламида бошқа асарлардан олиб киритилган рубоийлар ҳам анчагина топилади. Бу ҳолни шоирнинг ўзи белгилаб кетганми ёки унинг куллиётини тузишни ўз зиммасига олган бошқа адабиётчилар шундай қилганми, буниси бизга қоронғу. Фикримизча, Бедил ўлимидан сўнг унинг адабий меъросини бир куллиётга жамлаган киши ўзича шундай иш тутган.





Чунончи, шоир умрининг охирида таълиф этилган фалсафий сўфиёна маснавий «Ирфон» «Куллиёт» да биринчи келади. «Тилсими ҳайрат» маснавийиси эса «Ғазалиёт ва рубоийёт» бўлимидан кейин, «Қасидалар» бўлимидан олдин келиб, лирик шеърлар орасига кириб қолган. Ваҳоланки, шоирнинг яна бир маснавийси «Мұхити аъзам» «Ғазалиёт»дан аввал келади.

Шундай қилиб, Бомбайдаги 1299 ҳижрий (1882 мелодий) йилда чоп этилган Бедил Куллиётида мантиқий бир тартиб кўринмайди.

«Хизонаи омиро» тазкирасининг муаллифи Гуломалихон Озоднинг ёзишига кўра, Бедил Куллиёти унинг вафотидан сўнг бир неча йил шоир мозори тепасида турган. Аммо шоирнинг ўз қўли билан ёки унинг назорати остида бошқалар тарафидан тузилган бу Куллиёт йўқолиб кетган.

Бомбайдаги нашр этилган ва охирги даврларгача энг тўлиқ хисобланниб келган Куллиёт бошқа қўллёмсалар асосида тартиб этилган. Ноширнинг сўнг сўзида кўрсатишига қараганда, қайдаким Бедил шеърлари учраган бўлса бари киритилган. Устод Садриддин Айнийнинг бу Куллиётига комил ишонч билан қарамаганилиги, ҳатто бунга киритилган баъзи шеърларнинг Бедилга мансуб эканлигига шубҳа билан қарашида ҳам жон бор.

Жумладан, С Айний Бедилга нисбатан бериладиган мазҳабий ва беҳаё битилган рубоийларни рад этади ва уларни Бедил шуҳратидан фойдаланмоқчи бўлган баъзи мутаассиб мазҳабпастлар ижод қилиб, Бедил Куллиётига қўшганлар деган фикрни ўртага ташлайди.

Бундан ташқари Бедилнинг «Чор унсур», «Нукот», «Руқаот» каби шеърий ва насрый асорларида учраган рубоийларни ҳам териб олиб, унинг «Рубоийёти»га киритганлар. Бу рубоийлар турли мавридда битилган бўлиб, уларнинг кўпи «Чор унсур» асарида айрим воқеа маълум фикр ё бирор ақидани тасдиқлаб келади. «Руқаот» эса Бедил мактубларидан иборат бўлгани учун ундаги рубоийлар ҳам ё бирор мактубдаги конкрет воқеа билан ёки айрим шахслар билан боғлиқ масалаларга бағищланган. Демак, уларни асосий асар матнидан узиб олинган тақдирда рубоий маъноси тўлиқ очилмай қолиши мумкин. Биз рубоийларни танлашда мана шу жиҳатларни эътиборга олдик.

Бедил рубоийларида маълум даражада муайянлашиб қолган образлар системасига дуч келамиз. Бу образлар

Бедил рубоийларидағина әмас, балки шоирнинг бошқа шеърий ва насрий асарларида ҳам учрайди. Булар лафзий образлар бўлиб, шоир фалсафаси, унинг дунёқа-рашини ифодалашга хизмат қиласидилар. Шул сабабдан ҳам шоир шеърларида турли жилвалар билан қайта-қайта учраб туради. Шунинг учун ҳам уларни фақат лафзий образлар әмас, балки образ-терминлар, шоир фалсафий қарашларини ифодаловчи образ-истилоҳлар деб аташ мумкин. Масалан, шоир «оина» сўзи билан дунёни ва шунингдек илоҳий нур инъикосини, «хайрат» сўзи билан эса, инсоннинг дунё сирлари тагига етолмас-лигини ифодалайди ва ҳоказо.

Бундай ибораларнинг баъзиси ўзбек тилида ҳам истеъмол этилганлиги назарда тутилиб, таржимада ҳам аслича сақланган. Аммо баъзи иборалар ҳар жойда ҳар хил маънода келганлиги учун улар шеърда жойига қараб: керакли маънода таржима этилган, масалан, «ибрат» сўзи баъзан рамз, символ маъносида келса, гоҳида намуна ва бошқа маъноларда ишлатилади. Таржимада ҳам улар жойига қараб турли-туман ўзбекча иборалар билан ифода этилган.

Шояд Бедил асарларининг кейинги таржималарида ҳар бир образ-термин учун ўзбек тилида ҳам ўзига мувофиқ эквивалент сўзлар қарор топиб, мустаҳкамлашиб қолар.

Аммо рубоийларнинг биринчи таржимаси бўлган бу ишда юқоридагича йўл тутилди.

Бедилнинг кўпчилик ғазал ва рубоийларида ташқи, биринчи қарашда кўриниб турган маънолар ифодалардан ташқари албатта ички, яширин бир мазмун мавжуд бўлади. Истилоҳату ташбиҳот, истиораю киноялар ёрдами ила шоир аввало назарга ташланиб турадиган муқаррар маънодан ташқари яна яширин бир фикр, фалсафий мажозга ишора қиласиди.

Бу ташбиҳ ва истиоралар гоҳо шундай мураккаб ва ёпиқ бўладики, ҳар китобхон, ҳар тадқиқотчи уни турлича шарҳлаши мумкин. Бундай ички мазмун Бедил асарлари билан унчалик таниш бўлмаган китобхон назаридан четда қолиши ҳам эҳтимолдан холи әмас.

Бундай асар образлари, киноя ва истиораларини бошқа тилга ҳам усталик билан айнан кўчириш мумкин. Аммо улар яна изоҳ талаб бўлиб қолаверадилар. Шу ҳолатларни назарда тутиб баъзи рубоийларга изоҳ бериш лозим кўрилди ва бу иш бизнинг зиммамизга тушди.

Бу шарҳлар китобхонларга файласуф шоир рубоийларини чуқурроқ идрок этишларида ёрдам бера олса, муаллиф ўз вазифасини адо этган бўлади.

### 7 - р у б о и й

Ойина кўрганда ўзин бегубор,  
Шодликдан минг рангда бўлур жилвакор.

Оина — бу олам — аввал бегубор эди, яъни унда илоҳий зотдан ташқари бошқа нарса йўқ эди. Ҳамма нарса бу оинада шу бегуборликдан — ҳеч нарсадан туғилди.

Инсон мижозида гул очди билим,  
Гулласин деб саҳро бағрида баҳор.

Инсон ҳам аслида илоҳий зотдек соф эди, аммо унга илм берилди, бу илм берилиши дунёни обод этиш, умуман мавжудотни таниш учун эди.

### 12 - р у б о и й

Бедил ҳама вақт изтироб бунда,  
Тинчлик — хаёлу туш ё сароб бунда...

Бедил бу рубоийда жаҳонда ҳамиша ҳаракат ва ўзгариш процесси борлигини таъкидлайди. «Бунда — яъни бу дунёда — ҳамиша ҳаракат ва изтироб бор, ҳеч нарса тинч ва сокин турмайди».

Ҳаракатсиз бўлмас ҳатто чанг пайдо,  
Илдиз сувда, тупроқ бир никоб бунда.

Тупроқ тагида ётган илдиз бизнинг кўзимизга ҳаракатсиз кўринади, ҳолбуки, у ҳам сув томон ҳаракат қиласди.

### 14-рубоий

Бу бир денгиз, иши бизларни бўғмоқ...  
Бу бир денгиздан мақсад дунёдир.

### 16 - р у б о и й

Зухур оинаси жило топгандан бери фақат,  
Ҳар маҳлук бир-бирига интилар, бўлар улфат...

Бу дунёning энг олий мавжудоти инсондир ва ҳамма нарса инсон учун яратилгандир. У дунё тўғрисидаги гаплар ва бу оламнинг билимлари ҳаммаси инсоннинг тасаввурода ҳосил бўлгандир.

#### 42 - р у б о и й .

Ашё — назаримиз олғувчи кўзгу,  
Асмо зикри эртак тингламоқдир бу.

Дунёдаги нарсаларнинг кўриниши фақат уларнинг зоҳирий томонидир, яъни биз бу нарсаларни кўрар эканмиз, ҳали уларнинг асл моҳиятини билишимиз демак эмас. Ашёларнинг номи бўлса, у ҳам ҳали нарсаларнинг асл моҳиятини очиб бермайди, балки шу нарсаларни шартий равишда инсон фаҳмига яқинлаштиради. Бу нарсалар ҳаммаси ўзининг асл яратган кучидан пайдо бўлиб ундан узоқлашган. Дунёда фақат инсон ўзининг (ва бошқа нарсаларни) ҳам қандай яратилиши ва асл моҳиятини билишга қодир. Шунинг учун инсон бўлиш ўз-ӯзини билиш демакдир.

#### 47 - р у б о и й .

Парокандаликдир дунёга асбоб,  
Оромга ҳамсабоқ бўлмишдир симоб.

Дунёдаги ҳамма нарса пароканда ва ҳамиша ҳаракат ва тараддуддадир. Оромлик бу дунёда симобнинг оромлигига ўхшайди, яъни симоб ҳамиша титраб турганидек, дунё ҳам ҳамиша ҳаракатдадир. Бедил бу рубоийда фақатгина инсоннинг паришонлигини эмас, балки умуман дунёning ҳамиша бир моддий ҳаракатда эканлигини айтади.

#### 58 - р у б о и й .

То чарх бисотида сабиту сайёр,  
Сухан марказида хомушлик даркор.

Бу дунёда юлдузу сайёralар бўлгунча шундай яратиш тартиби ҳукмронки, бутун жўшқин ҳаракат ва ўзгариш садолари ичida бўлса ҳам, лекин буларнинг ҳаммаси-нинг маркази хомушлик — жимжитлик, яъни биздан яширип бўлган бир нуқтадир. Шу нуқта ҳамма нарсага

куч ва ҳаракат беради. Бунга мисол қилиб, Бедил иккинчи байтда айтадики, уруғ кўздан ёширин илдизни ҳаракатга солади, паргорнинг ҳаракат қилиши учун ҳам унга бир сокин нуқта керак.

### 62 - р у б о и й .

Зоҳид дерки, «тақво манбаи диндир»,  
Шайх кўзгу тутиб дер: «Сулукдан қидир».

«Тақво» дин, шариат қонунларига риоя қилиш ва шу билан покликни сақлашдир; «сулук» сўфийдир, яъни тасаввуф аҳлининг йўл маслаклариридир, улар шу йўл маслакдан бориб маънавий ва руҳоний покликка етмоқчи бўлар эдилар. Бедил айтадиким, бу покизаликка бундай ёлғон ва риёкорлик йўллари билан эмас, балки дарвешларга ўхшаш мардонавор дунёning лаззатларидан возкечиш билангина етиш мумкин.

### 63 - р у б о и й .

Ким қибла билмаса ҳазрат инсонни,  
Уша латънатланиб бўлур шармисор.

Бедил бунда ҳам инсоннинг ўлуғлигини куйлади. Ҳар ким ҳазрати инсоннинг ўлуғлигини эътироф қилиб уни саждага сазовор билмаса, шарманда-ю шармисор бўлади.

Қаранг: М. М. Мўминов, Танланган асарлар, Том,I, Тошкент, 1969, 117-бет.

### 67 - р у б о и й .

Ўзбошимчаликдан хуррам бу дунё,  
Эрксиз айланмоқча бўлмиш мубтало.

Бу дунёда одамлар ғафлат ва жаҳолатда яшайдилар ва бошларига келган афсоналарни тўқиб, ўзларини курсанд қилиб юрадилар. Шу афсоналардан бири дунё охир бўлган чоғда одамларга нажот бериш учун Исо ва Маҳдийнинг пайғамбар бўлиб келишлари тўғрисидаги ривоятдирки, қуруқ даъво ҳам ҳақиқат ва мантиқдан узоқдир.

### 70 - р у б о и й .

Мажнун доим сочар бошига тупроқ,  
Фарҳоднинг тешаси тошда мутасил.

Яъни, дунёда ишқ ҳиссиёти мангу яшайди ва то ишқ бор экан Мажнун билан Фарҳод тўғрисидаги афсоналар абадий яшайди.

### 72 - р у б о и й .

Ошна-бегоналар бутун бир умр  
Фақат «торих» ё «саж» талаб этишар.

Бедил айтадиким, замонамизда нодонлик шунчалик кучайгандиким, ҳеч бир киши шеър қадрини билмайди. Ҳатто ошна-бегоналар чуқур маънидор шеърларни фаҳмламайдилар, балки кўпроқ бирон кишининг вафоти ё бирон иморат битиши тарихини кўрсатадиган ва ёким бир-инкита қофиялик сўз (яъни саж) билан битилган ҳатни шоирлардан ёздириб оладилар, холос.

### 76 - р у б о и й .

Борига қаноат қилмай на чора,  
Текин ҳаво бизга анжоми нафас.

Биз дунёда ҳар бир нарсага қаноат ва шукур қилишимиз керак. Ҳатто бизнинг атрофимизни иҳота қилган ва бизга текин кўринадиган нарса — ҳаво — бизнинг борлиғимиз, бизнинг ҳаётимиз асосидир.

### 77 - р у б о и қ .

Ҳақ-ноҳақ, соз-носоз, биҳишту дўзах,  
Ўзинг ким? Билолсанг, қиёмат бордир.

«Ҳақ-ноҳақ», «соз-носоз», «биҳишту-дўзах» — булар инсон тасаввуридан ташқарида бўлган тушунчаларни ифодалаш учун қабул қилинган шартий сўзлардир. Булар билан ҳақиқатни билиб олиш қийин. Инсон аввал ўзини билиб олса, ўзининг қандай яратилганлиги ва қандай бу дунёдан ўтишини билиб олса, у жуда ажойиб бўлур эди.

### 79 - р у б о и й .

Таҳқиқ йўли жуда нозик, серсабоқ,  
Тушуниш қийиндир яқин бўлган чоқ.

Таҳқиқ — Бедилда жуда кўп учрайдиган образ — фалсафий терминдир. Бедилда бу сўз ҳақиқатни билиш, ҳақиқатни англаш йўлида интилиш маъносида ишлатилиди.

Тупроқ не? Билмасанг кечириш мумкин,  
Хаёл шамин туби коронғудир, бок!

Бу дунёни билолмасанг сени кечириш мумкин. Инсон ўзи билими билан күп нарсаларни яратиши ва билмоғи мумкин, шунинг билан бирга дунёда бўладиган баъзи ҳодисаларни англамаслиги ҳам табиийдир. Чунки шам атрофга нур ёйса ҳам, аммо ўзининг таги ҳамиша қоронғудир.

### 84-рубойй.

Иўқдан пайдо бўлмиш мактаби олам,  
Ҳар нарса қўзгайди ҳайрат дамо-дам.

Бедил таълимоти бўйича дунё йўқ жойдан илоҳий куч воситаси ила вужудга келгандир. Аммо бу дунёда ҳар бир нарсани билиш қийин ва бу нарсаларнинг қандай яратилиш масаласи ҳамиша ҳайрат туғдиради.

Қалам тилида-ку котиб дил рози,  
Зеро, барчасидан огаҳдир одам.

Аммо дунёдаги нарсаларнинг қандай яратилишини фақат одам била олади. Котиб қалам учи билан ўз кўнглидаги яширин сирларини қоғозда изҳор этганидек, худо ҳам одам орқали нарсалар сирларини бошқаларга маълум қиласи. Бедил бу рубоийда одам билимiga катта баҳо беради ва диний таълимотга қарши дунёни билишга одамнинг қодир эканлигини айтади.

### 89 - р у б о и й .

Поёнсиз билимку сенда мужассам,  
Анқодан буюкроқ оддий пашибанг ҳам.

Бедил бу рубоийда ҳам инсон улуғворлиги ҳақида гапиради. Инсоннинг билими бошқа мавжудотда йўқ. Шу билим инсонга қанот баҳш этиб, уни Анқодан ҳам буюкроқ қилгандир.

Жаҳон таркиботи бирликка эга,  
Бу бирлик шубҳасиз, нафасингда жам.

Ҳатто бутун дунёдаги мавжудот бирлигини ҳам инсон нафасига боғлайди. Яъни, агар одам бўлмаганда дунёдаги бор мавжудот ҳам ҳеч нарсага арзимас бўлиб қоларди.

### 90 - р у б о и й .

Хаёл ойнасин юз минг жилваси бордир,  
Улардан биттаси унга вафодорми? Иўқ?

Дунёда воқеа бўладиган ҳодисалар инсоннинг ихтиёризиз вужудга келади. «Ойнада», яъни дунёда юз минг ҳодисалар рўй беради (юз минг жилва бор), аммо шу ойнада кўринадиган жилвалар ойнага боғлиқ эмас, балки ойнада акс бўладиган асил зотга боғлиқдир. Бедил пантеистик таълимотга асосланиб дунёнинг ҳамиша ўзгаришда бўлишилигини эътироф этади, аммо бу ўзгаришлар, дейди, илохий кучнинг нарсаларда турли равишда кўринишидан иборатдир.

### 91 - р у б о и й .

Хоҳ «у» дегил, хоҳ «сен», ёки «биз» деб ёз,  
Ҳақ маъносин очар иборанг бисёр.

Бедил, дейди, биз кўп сўз ва иборалар билан ёзамиз, гапирамиз, аммо булар ҳаммаси бир ҳақиқатни билиш ва таниш учун ишлатилади. Бу ҳақиқат сенда ҳам бор, унда ҳам бор, бизда ҳам бор. Бу ерда ҳамма нарсаларда илохий кучнинг ҳақиқат сифатида ифодаланиши тўғрисидаги пантеистик қараш ифодалангандир.

### 95 - р у б о и й .

Ясаачоқлик, кибру ноз оламида,  
Оина тутмаслик жамоли ўзга.

Ринду мастлик оламида кибру ноз билан юриб дунёни менсимасдан (оина тутмасдан) фахрланиш бойликка берилган бу халойик олдидা бир лаззат беради кишига.

### 97 - р у б о и й .

Кўзинг очиб боқсанг пешонасига  
Ажинлари тимсол баҳт нарвонидан.

Бой кишилар бу дунёда ҳашамдор уй-сарой қуриш учун қандай азоблар кўрадилар, ўзларига маълум эмасдир. Уларнинг пешоналаридағи ажинлар шу кулфатдан хабар бераб туради. Мана шу ажинлар «баҳт», «давлат» деб ўйлаган мартабага етиш учун қўлга киритилган нарвонга ўхшайди.

### 119 - р у б о и й .

Ҳушёр бўл, очкўзлар табиатида  
Бордир кўз илгамас Шаддод биноси.

Шаддод — золим ва очкўз афсонавий подшоҳ исмидир. Афсонага биноан, зулм ва ҳирс билан тўпланинг

бойлиги ўзига насиб этмай, путур етган эди. Бедил, шу ривоятга ишора қилиб айтадики, очкўзларнинг тўплаган бойлиги ўзларига вафо қилмайди ва бошқа одамлар насиби бўлиб кетади.

### 120 - р у б о и й .

Бу дунёда қандай нақшки жилвагар  
Тасаввур гулзори, беҳиши назар.

Дунёда бу нарсани инсон ўз тафаккури ва тасаввурига яраша билиб олади.

Ўзимиздан барча яхши-ёмонлик,  
Кўзгуда кўрганинг ўзингдан ахтар.

Яхшилик-ёмонлик ҳам ўзимизга боғлиқдир, бизга яхши кўринадиган нарса бошқа кишига ёмон кўриниши мумкин. Агар сурат ёмон бўлса, ойнадаги акс ҳам ёмон кўринади, бизнинг фикримиз ва тафаккуrimиз ҳам етуклик даражасида бўлмаса, ҳамма нарсани тасаввуриизда яхши ўзлаштира олмаймиз. Бу рубоийда Бедил фалсафада машҳур бўлган инсон билимининг нисбий эканлигини баён қилгандир.

### 132 - р у б о и й .

Фитрат афсунгари кўп гайрат этди,  
Хомлар ишончига нима наф ётди?

Жодугар ва афсунгарлар ўз ёлғон афсоналари билан хом кишиларни алдаб келадилар ва шу пуч афсоналар билан динга имон тұғдирадилар.

Юз шукрки Исо, Маҳдий қиссаси  
Имоннинг сустлигин кўтариб кетди.

Сенда аслида диний имон кучли эмас эди, аммо афсунгарлар Исо, Маҳдий ва охир замон тўғрисида афсоналарга ўхшаш тўқима гаплар билан сенда динга нисбатан ишонч ва имон тұғдирадилар.

### 138 - р у б о и й .

Таврот эмаски, унинг ҳаммаси,  
Тушса осмондан, бир йўла якбор.

«Таврот» яхудийларнинг муқаддас диний китобидир. Диний ривоятга биноан «Таврот» Мусо пайгамбарга худо томонидан тайёр китоб шаклида юборилган эмиш.

Бу рубоий мазмуни ҳақида тўлароқ маълумот учун  
қаранг: И. М. Мўминов. Мирза Бедилнинг фалсафий  
қарашлари, Тошкент, 1958, 33—34-бетлар.

### 154 - р у б о и й .

Бахри мутлақ иссик мавж урди шундан,  
Бўлдик ўзимиздек аълого муҳтож.

«Мутлақ баҳр» деб Бедил илоҳий кучга асосланган мутлақ борлиқни айтади. Одамзод ана шу мутлақ борлиқдан куч ва ирода билан вужудга келди. Дунёда вужудга келгач, инсон ўз-ўзини танишга мажбурдир, чунки дунёдаги мавжудот ичиди энг ақлли ва онгли маҳлуқ инсондир ва шу сабабли у борлиқ ва ашёларнинг пайдо бўлиш сабаблари тўғрисида фикр юритишга мажбурдир.

### 157 - р у б о и й .

Фикримда абадлик, лек нафасим дер:  
«Умр карвонидан жарас қолажак».

Инсон фикрида мангу яшаш истаги ҳамиша парвозадир; аммо нафасимизнинг абадий қолмаслиги маълумдир. Ҳар бир нафасимиз билан ҳаётимиз қисқариб боради, бу эса доимо умр абадий эмаслигини таъкидлаб туради. Инсон умридан фақат ҳаёт осори қолажак. Бу осор карвон ўтиб кетаётган вақтда узоқдан эшитилиб турадиган жарас — қўнғироқ садосига ўхшайди.

### 161 - р у б о и й .

Бу жаҳон иқболи ҳашам истайди...

«Бу дунёда баҳтли бўламан десанг, ҳашамга эга бўл, бойлик жам қилсанг баҳт топасан». Яъни, шоир ўз замонида илмли кишилар хор, бой ва мансабга эга бўлган кимсалар баҳтли эканидан нолийди.

Хўқиз ва әшакдан олингиз сабоқ,  
Ҳатто у шоҳ ҳам, дум ҳам истайди.

Бу ярамас кишилар қаторига кириш учун ҳўқиздек шохли ва әшакдек думли бўлиш керак, «фақат» ўшанда сен бу «баҳтли» кишилар ўртасида мартабага эга бўласан, дейди шоир.

### 185 - р у б о и й .

Қанчалар симоку самак бўлади,  
Е ул ёқда мулки малак бўлади.

Симак — осмонда Асад буржининг охиридаги икки юлдуз номи, Самак — балиқ, афсонага кўра, ерни кўтариб турувчи балиқ.

Симоку самак — мажозан оламнинг энг баланд ва энг паст нуқталариди.

### 202 - р у б о и й .

Янги чақалоққа ҳам сут ичиришар,  
Тириклик ҳавосида бор экан заҳар.

Заҳарланғанларни қатиқ ё сут билан даволашга киноя қилиб шоир айтадики, агар бу дунёning ҳавоси заҳарли бўймаса, чақалоқ туғилган кунданоқ унга сут ичирмасдилар.

### 203 - р у б о и й .

Гўзаллар дунёда қулф урган баҳор,  
Хоҳ хитойлик бўлсин, чигил ё тотор.

Чигил — Туркистондаги бир шаҳар номидирки, гўзал қизлари билан машҳурдир. Тожик-форс шеърида чигил нозанинлари гўзаллар образи сифатида кўп ишлатилади.

### 205 - р у б о и й .

Зинҳор жим бўл сиқим тупроқ кўкка учса,  
Чанг бўлса ҳам чиқа олур жуда баланд.

Бедил бу рубоийда инсоннинг улуғ мартабаси ва инсон сўзининг ундан ҳам улуғроқ даражасини мадҳ этади. Бир мушт тупроқдан чиқсан гард баландликка чиқсанни каби биз, ожиз инсонлардан чиқадиган сўзнинг мартабаси санъат ва маънавий жиҳатидан кўкларга чиқса ажаб эмас.

### 239 - р у б о и й .

Қарисам-да ажралолмам лаъли лаблардан,  
Тишсизлигим оқ сут бирла шакар истайди.

Тишсиз гўдакларга оқ сут билан шакар керак бўлганидек, мен ҳам қариганда тишсизман, шунинг учун мен жононларнинг сутдек оқ тишлари ва шакардек ширин лабларини истайман.

### 309 - р у б о и й .

Аммо сирли дўстлик вафо мазмуни,  
Хижрон дамлари деб йиғлашади зор.

Бир-бирларини топишган ёрлар, кўз ёшлиарини тийсалар-да, аммо дўстликни сақлаган вафо ҳислари хижрон-

да ўтилган дамларни ёдга келтириб йиғлайдилар. Яъни, шоир айтадиким севишганлар висолда бўлган пайтларида ҳам фироқ дардларини ёдлаб йиғлайдилар.

### 316 - р у б о и й .

Шаҳмат тахтасидек ҳар тараф боқсанг,  
Юз хона бор, бари бедару девор.

Замон аҳлида ҳаё ва ору номус қолмаган, ҳатто уйларида қиласиган ишлари ҳам кўча-кўйга маълумдир, уларнинг ҳам шарму ҳаё йўқ.

### 321 - р у б о и й .

Ҳиммат ҳам пастликка қараб созланган,  
Барчанинг девори соясиз бўл кун.

Бедил айтадики, бу замонда ҳеч кимда ҳиммат қолмади, бирон киши бошқа кишига яхшилик қилмайди. Одамларнинг ҳатто деворлари ҳам бошқаларнинг бошига соя солиб, одамга наф тегизмайди.

### 322 - р у б о и й .

Оташ ибратгоҳи кул эмасми, кул,  
Қанот сингач, ерга кўмилур парвоз.

Бедил шеърларида «ибрат» тимсол, символ маъносида ишлатилади. Яъни, кул оташнинг символидир, чунки кулни кўриб шу ерда ўт ёнганилигини биз тасаввур қила оламиз. Яъни, бизнинг сочимиз оқарса ҳам, аммо шу оқ сочни кўриб бизнинг бир вақт чиройли ёшлигимизни тасаввур қилиш мумкин.

### 330 - р у б о и й .

Киши то тамиздан ажралмаса гар,  
Тилло, кумуш кайфи унга беасар.

Фақат тамизсиз ва идроксиз кишилар тилла-кумуш ва дунё бойлигидан лаззат оладилар. Одамнинг безаги бўлган хино ҳам фақат кишининг ҳиссиз жойларига — унинг тирноқ ва соchlарига юқади.

### 343 - р у б о и й .

Искандар истади оби ҳаёт, лек,  
Топгани оина ва чашма оби.

Бу рубоийда шарқда машҳур бўлган Искандар Зулқарнайн тўғрисидаги афсонадан бир воқеа зикр этилган. Искандар кўп эл-мулкларни эгаллагандан кейин «Оби ҳаёт» чашмасини топмоқчи бўлди. Унга айтган эдиларки, ҳар ким шу «Оби ҳаёт» чашмасидан сув исча, дунёда абадий яшайди. Аммо у кўп жойларни кезиб бу чашмани топмади ва охири кўп умр кўрмай дунёдан кўз юмди. Шунга ўхшаган дунёда хомхаёллар билан умрни охирига етказадиган ақлсиз кишилар кўп, дейди Бедил.

### 350 - р у б о и й .

Бино қуриш фикри гул очар экан,  
Меъмор қалбин босар аввалги зил тош.

Дунёда катта ишларни қилиш учун инсонга катта сабру бардош керак. Меъмор ҳам бирон муҳташам бинони қуриш фикрида бўлса, аввало ўз кўнглида катта сабр тошини маҳкам пойдевор қилиб қўяди.

### 351 - р у б о и й .

То бошдан кулоҳин учирмаса ел,  
Шамдек оташ ичра ул бошдан-оёқ.

Шам бошидаги кулоҳи — алангасини йўқотмаслиги учун ҳамиша ёниб туриши керак. Шунга ўхшаш бойлар, шоҳлар ва бошқа давлатдорлар ўз бойликлари ва ҳашамларини сақлаб туриш учун ҳамиша даҳмаза ва васваса ўти ичиди ёниб турадилар.

Расулхон Ходизода,  
филология фанлари доктори.

## РАСМЛАР ИЗОХИ

Муқовадаги, китоб орасидаги расмлар ва фронтсписдаги Бедил портрети рассом М. М. Воронский томонидан шу китоб учун маҳсус ижро этилди.

Китоб ичидаги расмлар 150, 182, 190, 202, 314 ва 344 рақамли рубоийларга ишланган.

## МУНДАРИЖА

Мирзо Бедил. Шомухамедов	III
Рубоийла Р	1
Изоҳлар	96
Расмлар изоҳи	III

На узбекском языке

МИРЗА АБДУЛКАДЫР БЕДИЛ

Рубан

Издательство ЦК Компартии Узбекистана  
Ташкент — 1986:

Нашриёт редактори З. Турсунбеков  
Техн. редактор Г. Ломиворотов  
Корректор Ю. Мадамикова

ИБ № 19

Теришга берилди 02.07.85. Босишга рухсат этилди 24.02.86.  
Формати 70×90<sup>1</sup>/32. Қоғоз № 1. Гарнитура шекерсан.  
Офсет босма. Шартли босма листи 4,1+7 вкл. Нашриёт листи 4,06.  
Тиражи 45000. Заказ № 1532. Бахоси 65 т.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётини  
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси,  
Ташкент, Ленин кўчаси, 41.